

83,3 (5yrd)

A-50



Д. А. АХМДОВ
Д. А. РАШИДОВА

Маҳмудхўжа Бехбудий
ва унинг тарихий
тафаккури

A-PDF Merger DEMO : Purchase from www

36848 ден
36852 те
шекеу
5

83.3(580)
A-50



DIZINGE AL'NDI'-2010

МАХМУДХҶА БЕҲБУДИЙ
1875-1919

60.56 83.343
А-50

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Д.А.Алимова, Д.А.Рашидова

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг
қатл олдидан ёзилган
васиятномасидан.



«Академия» напирёти

Тошкент - 1999

36852

*Мозий - истиқболнинг тарозисидир.
Махмудхўжа Бехбудий.*

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори
профессор Б.Қосимов.

Тақризчилар: филология фанлари доктори
профессор Н.Каримов,
тарих фанлари доктори
С.Азизхўжаев.

Рисола Туркистонда жадидчилик ҳаракати сарғашмасида турган, 1917 йилга келиб мамлакат миллий мустақиллиги учун сиёсий ҳаракат раҳбарига айланган, адабиётшунос, муаррих, маданият арбоби, XX асрнинг буюк тараққиётпарвари Махмудхўжа Бехбудийга бағишланган. Рисолада М.Бехбудий ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача биографик маълумотлар келтирилган бўлиб, асосий эътибор унинг тарихий тафаккурининг шаклланишига қаратилган ва тарих, география, сиёсатшунослик соҳасидаги асарлари таҳлил қилинган. Бехбудийнинг февраль революцияси ва октябрь тўнтариши оралиғидаги сиёсий фаолияти, ҳамда унинг Туркистоннинг сиёсий ва ижтимоий тузилиши келажаги ҳақидаги тасаввурлари қўриб чиқилган.

Рисола республика талаба ва ўқитувчилари, шунингдек, кенг китобхоналар оmmasига мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият
қурилиши академияси
Тошкент, 1999

Махмудхўжа Бехбудий ҳақида ёзиш ниятда мураккаб. Чунки, бу зоти ашарфнинг ҳаёти XX аср тарихининг кескин бурилишлари ва қатъи ҳодисалари билан боғлиқ. XIX аср ва XX аср бошларида пайдо бўлган янгича дунёқарашлар, айниқса, жадид таълимоти Бехбудий ҳаётида ўзига хос тарзда акс этди. Унинг дунёқарashi ўз даврида машҳуд фикр-ғоя ва таълимотлар орасидан шарқий фалсафага мос келадиган, лекин Европа фалсафасининг қимматли томонларини қамраб олган ҳолда шаклланди. У жадид эди, шу дунёқарашни бойитди ва тинмай уни жамиятга татбиқ этиш йўлини излади.

Бехбудий ҳақида ёзиш шунинг учун ҳам қийин ва мураккабки, у адабиёт ва маърифат оламидагина эмас, бутун Шарқ тафаккурий-фалсафий тараққиётида ҳам улкан мавқега эга. Бундан 70 йил муқаддам - 1926 йили шарқшунос Лазиз Азиззода Бехбудий тўғрисида жула ўринли ёзган эди: «Агар Ўзбекистонда Навоий ва Улўббекдан бошқа учинчи бир илм ва маданият арбобига ҳайкал қўйиладиган бўлса, шубҳасиз бу Бехбудийнинг ҳайкали бўлувдир».¹ Лазиз Азиззода ўз сўзлари билан Махмудхўжа Бехбудийни, шак-шубҳасиз, Шарқнинг буюк мутафаккирлари қаторига қўяди. Бехбудий ҳазратлари улар билан бир сафда бўлишга тўла ҳақли. Зотан бу сиймоннинг она-Ватан келажаги ҳақидаги орзу-ниятлари ва дунёқарashi бугунги давлатимиз миллий истиқлол мафкураси билан ҳамоханг.

Бор-йўғи 45 йилгина умр қўриб, кўп жабдаларда ўз истиқдорини ёрқин намойён қила олган Бехбудийнинг дунёқарashi вужудга келиб, ривож топишида қандай ҳаётий омиллар кат таъсири бўлган?

Кейинги йилларда Бехбудий ҳақида кўплаб илмий ва оммабоп мақолалар нашр этилганига қарамай, ҳозирги кунга қадар унинг тўла ва мукаммал таржimai ҳоли бўйича, афсуски, жиддий тадқиқотларга эга эмасмиз. 1922 йили «Махмудхўжа Бехбудийнинг вафот этганига 4 йил бўлишига қарамай,

¹ Азиззода Л. Бехбудий // Маориф ва фарғун. 1926. №2.

унинг тўла таржиман ҳоли ҳанузгача ёзилмади» - деб биттан эди унинг дўсти Ҳожи Муин.¹ У Бехбудийнинг қириндош-уруғлари берган гувоҳликлари ва ўзи билангилар асосида унинг таржимани ҳолини қисман ёритди. Ушбу мақола ҳозирга қадар ҳам тадқиқотчилар ишончли ҳужжат сифатида суна-диган ягона манба бўлиб қолмоқда.²

Тадқиқотчиларнинг қўлчилиги Маҳмудхўжа Бехбудий-нинг камбағал оилада туғилиб ўстанлигини уқтиришди. Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас. Мантқан олиб қараганда, таълимга эга бўлиш, китоблар сотиб олиш, кутубхона билан қироатхона ташкил этиш, наشريёт очиб, нашр ишларини йўлга қўйиш, чет элларда Туркистондан бориб ўқитган талабаларга моддий ёрдам бериб туриш ва шунга ўхшаш маблағ талаб қиладиган ишлар учун Маҳмудхўжа Бехбудийнинг сармоёси етарли бўлган ва буюк маърифатларвар ундан оқилона фойдалана билган. 1913 йилдан бошлаб муҳаррирлик ишига асосий вақтини бағишлаган Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқандга яқин қишлоқда тоқ-тоқда муфтийлик вазифа-сини ўтаб ҳам келган, аммо бу иш учун оладиган акчаси юқоридаги чиқимларини қоплашга етмас эди, албатта. Этно-граф Г.Андреев билан келган суҳбатда у қуйиш: «Журнал нашр қилиш ҳозирча моддий жиҳатдан зарар келтирмоқда», - деб айтган.³ Лекин муҳаррирлик вазифасидан олдин М.Бех-будий Самарқандда муфтийлик лавозимини ўтаган ва унинг шаҳар ахли орасида маълум ва машҳур бўлгани учун ҳам бу лавозим унга катта дарамад келтирганга шубҳа йўқ. Бу вазифа у ўз маблағига янги усули жалид мактабинини очди ва бу ерда ишлаш учун Ражаб Амин кишлоқидан Абдуқолибр Шакурйини ўзининг уйига қўчириб келтирди.⁴ Ш.Очиловнинг ёзишча, Бехбудийнинг отаси Бехбудхўжа муфтийлик вазифасида бўл-ган—бу хизмат учун ўша даврларда яхшигина ҳақ тўланарди. Бехбудийнинг отаси ўз даврининг фикс соҳаси бўйича йерик

мутахассиси бўлган ва ислом ҳуқуқшунослиги масалаларига оид бир қатор асарларнинг муаллифи сифатида ҳам танилган эди. Еш тадқиқотчи Н.Х.Авазовнинг таъкидлашча, М.Бех-будий ота мерос касб эгаси, яъни Қуръон қаримни ёд билган қори бўлган. Унинг буvasи Салиххўжа имомлик қилиб рўзғор тебратган⁵, Маҳмудхўжанинг оилада ягона ўғил бўлганини ҳисобга олсак, у ҳолда унга яхшигина мерос ҳам қолган бўлса ажаб эмас. Бу суъларнинг тасдиғи сифатида Бехбудийлар оиласининг Жомбойда вақф мулк эгаси ва Бахши тепада каттагина қўрқам бог ерларининг ҳўжайини бўлганлигини айтишимизни қийоф (Надим Бехбудийнинг хотираларидан).⁶ Шундай қилиб, Бехбудхўжа бадавлат киши эди.

Маҳмудхўжалар оиласи ниҳоятда маърифатли эди. Унинг икки синглиси ҳам яхши таълим олган. Улар Қуръон ва ҳадис-лар билан яхши таниш бўлган. Катта синглиси ҳатто, «қори-бегим» унвонига эга эди.⁷ Надим Бехбудийнинг гувоҳлик беришча, уларнинг келиб чиқоши машҳур Аҳмад Яссавийга бориб тақалади.⁸

Бехбудий аждодлари Хоразмдан Самарқандга қўчиб келиб, гузар тузишди ва ути Гузари Маҳдуми Хоразм («Хо-размлик жаноб гузари») деб аташди деган маълумот ҳам бор. Отасининг буvasи Самарқандда Қори Нийёхўжа Урганжи номи билан машҳур бўлиб келган. Надим Бехбудийнинг таъкидлашча, М.Бехбудийнинг хотини шайх Қутби Чордах уруғидан бўлиб, бу улуг Амир Темур ҳукмронлиғи даврига қадар Самарқанд ақинидаги Матруд деган ерда хизмат қилишган. Тепа қўрғонга шайонинг қабри бўлгани ва бу қабр жойлашган мазор Россия томонидан босиб олинган, форти-фикацион катта барпо қилиш учун портлатиб юборилди.

Г.В. Андреев билан бўлган суҳбатда М.Бехбудий унинг авлодида араблар бўлганини айтди: «Бу, албатта, анча олдин, 100-200 йиллар аввал бўлган бўлса керак. Ҳозир эса бизнинг

¹ Қириндошларга қолган қўши нисмлари ва асарлари номларини биз жорий бўлган қиринди. - Муаллифлар.

² Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Бехбудий // Ушқун. 1923. №1.

³ Андреев Г. Самарқанддаги журнал «Ойна» и его редактор издатель Маҳмуд-хўжа Бехбудий // Туркистонские ведомости. 1915. 17 сентябрь.

⁴ Бехбудий М. Самарқанд мактаби ҳақида // Туркистон вилоятининг газети. 1908. 30 январь.

⁵ Авазов Н.Х. Маҳмудхўжа Бехбудий - маърифатпарвар. Тошкент. 1993. 1-6.

⁶ Надим Бехбудий - Маҳмудхўжа Бехбудийнинг нисмлари, Самарқанд Давлат Университетининг профессори. Вафотидан олдин, яъни 1995 йили бу билан суҳбатда бўлганми.

⁷ Авазов Н.Х. Маҳмудхўжа Бехбудий - маърифатпарвар. Тошкент. 1993. 1-6.

⁸ Бу таълим мунозарати масала ва илмий изланишни талаб қилади.

урутиникида араблардан ном-нишон йўқ, ҳеч асар қолмаган улардан».¹ Бу ерда Бехбудий унга дастлабки маълумот берган тоғаларини - онасининг укаларини қўлда тутиб гапирган бўлса, ажаб эмас. У 6-7 ёшидаёқ Қўртонни ўқишни тоғаси - Муҳаммад Сиддиқдан ўрганса, 15 ёшидан бошлаб яна бир тоғаси - мулло Одиладан араб тили грамматикаси, математика, ҳуқуқшунослик асослари, мантик ва тилшунослик, яъни ўша пайтда машҳур бўлган дунёвий фанларнинг барчасини ўрганишга киришни. Еш Бехбудий эгаллаган фанлар факатгина ҳусусий мактабларда ўқитилар, улар эски мактаблардан ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиши билан фарқ қилар эди. Шундай қилиб, Бехбудий ёшлиқидан диний ва дунёвий таълим олди. Бунга, шубҳасиз оилада ҳукм сурган юксак маданият ва илм-маърифат муҳити ижобий таъсир қилди. Бехбудий оила муҳитида олган интеллектуал ривожлантириб, юксак маърифий даражага тинимсиз исланиб, қаттиқ меҳнат қилиш эвазига эришти. Замонавий адабиётда Бехбудийнинг бирон-бир мадрасада ўқигани ҳақида маълумот йўқ. Бирок Бехбудийнинг ўзи Г.Андреев билан суҳбатлашганида «Самарқанд мадрасасида ва Бухорода ўқиганини» айтган эди². Турк талқиқотчи Иброҳим Ерқин М.Бехбудийнинг Бухоро мадрасасида узок вақт турганини ва Бухорода 1910 йилгача муфтий унвонини олганига қўл яшаганини тасдиқлайди.³ Фикримизча, у Бухорода кўп бўлмаган, chunki у 1903-1904 йиллари Россияга сафар қилди.

1893 йили Бехбудийнинг отаси вафот этди ва 18 ёшлик Маҳмудхўжа мустақил ҳаётга қадам қўйиб, қозихонага мириза бўлиб ишга кириди. Мирзалик иши унга, биринчидан, жамиятнинг барча иқтисомий қатламлари турмуши, ҳаётий муаммолари билан аяқидан таниниш учун шароит яратган бўлса, иккинчидан, тоғалариникида олган сабоқ ва билимларини амалиётга таъбиқ этиш имкониятини берди. Фикс фаннинг турли соҳаларидан имтиҳон топширган М.Бех-

будий муфтий унвонини олади. Фикримизча, у бу унвонга И.Ерқин қўрсатган вақтдан анча аввал сазовор бўлган. 1899 йили 25 ёшли Бехбудий биринчи марта ҳаж сафарига чиқди. Ислоҳ дунёсида муқаддас зиёратгоҳ синалган Маккаю Мадинага қилган сафари унинг дунёқарашини кенгайтишига сабаб бўлди ва умумжаҳон тарзда фикрлашга замин яратди. Саёҳат чоғида у Россия шаҳарлари, Крым, Эрон, Туркия, Миср мамлакатларида бўлди. Сафар жараёнида йўл юришнинг барча турлари—поезда, кемада, отда ва пиёда юриб, дунёни қўрди, бошқа ердаги ҳаёт билан Туркистондаги янаша тарзини таққослаш имконига эга бўлди. Бундан ташқари, савдо ишлари, зарур ва муҳим битим ва муносабатлар тузиш, ҳам диний, ҳам дунёвий алоқалар ўрнатилиши, фикр алмашиш, зарур китоблар, газета ва журналлар, ўқув қўлланмалари ва дарс-диқлар сотиб олиш... Буларнинг бари Бехбудий Ватанига қайтиб келгач, маърифат ва зиё тарқатишдек савобли ва улуғ ишлар учун асқотди. Шундай қилиб айтиш мумкинки, Бехбудийнинг дастлабки ҳаж сафари улкан маънавий ва моддий аҳамиятга эга эди.

Ҳаж сафари чоғида Бехбудий Араб дунёси мамлакатлари, Туркия ва Мисрда жидидчилик ҳуқуқ илми отганини қўрди, у ерларда таълим-тарбиянинг янги усуллари билан таништи, ислоҳ қилинган мадраса ва ўқитиш педагогик тизимини ўрганди. Дастлаб тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқ, кейинчалик қози мулла Зубайр қўлида мирзалик қилиб тажриба ортирган 25 ёшли Бехбудий учун араб дунёсида қўрган-билганлари кейинчалик кўп муаммоларини ҳал этишда қўл келди. Қозихонадаги иш Бехбудийни талай иқтисомий муаммолар билан тўқнаштирган эди. Албатта у Россияга қарам бўлган Туркистон иқтисомий-сиёсий, диний, ҳуқуқий тизимлари ва иқтисодий аҳолидан тўла хабардор, ватандошлар ғам-аламларига шерик эди. Бехбудийнинг ҳаётда қўпгина нарсаларни ўзлаштириш, яқинлаш, тақомиллаштириш, мусулмон мамлакатларида ҳам умумжаҳон цивилизацияси билан ҳамохан тарқиқотиётга эришиш мумкинлигига ишонч мустаҳкамлана борди.

Ҳаж сафаридан уч йил ўтгач, 1903-1904 йиллари Маҳмудхўжа Петербург, Москва, Қозон, Оренбург, Кримда бўлди. Маориф соҳасидagi Россия, айниқса титар қардошлар тақрибаси, Исмомил Гаспринский билан яқиндан танишув

¹ Андреев Г. Самарқандский журнал «Отта» и его редактор-издатель Махмуд-нази Бехбуд // Туркестанские ведомости. 1915. 17 сентября.

² Андреев Г. Самарқандский журнал «Отта» и его редактор-издатель Махмуд-нази Бехбуд // Туркестанские ведомости. 1915. 17 сентября.

³ Ibrahim Yarkin. Mahmut Noka Behbud // Nur Turkistan için istikhla gazete. 15 Ocak 1974.

Бехбудийнинг бутун сайё-ҳаракатини жамиятнинг қайта қуриш режаларини амалга оширишга қаратади. 1914 йилга қадар бу борада у аниқгина тажриба ортиради. Янги усул мактаблари очилгани, жамда газеталари наشري, дарсликлар яратилганлиги, Туркистондаги ақл-заковатли кучларнинг унинг ғояси атрофида уюшга бошлагани, маданият ва адабиётда янги тамойиллар, илгор йўналиш ва оқимнинг пайдо бўлганлиги Бехбудийни янада шижоат билан фаолият юритишга даъват этар эди. Шу билан бирга, Бехбудийнинг мақолаларида уни бу ишлардан хали тўла қониқиш ҳосил қилмаганини, ўз лойиҳасини янгилаб, уни дадилроқ амалга ошириш ниятини аъқол кўрмасиз.

Янада кўпроқ озуқа олиш истаги уни навбатдаги чет эл сафарига ундайди. Бу ниятни у ўз ўқувчиларига «дўхтирларнинг маслаҳати» деб изохлайди ва саломатлигини тиклаш мақсадида режалаштирганини билдиради.¹ Қозихонадаги сермашаққат иш, илмий фаолият (бу пайтга келиб у 7-8 китоб нашр этишга улгурган эди), «Ойна» журнатида осон бўлмаган ишлар, ташкилий ва иқтисодий қийинчиликлар, китоб сандосини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳаммаси Бехбудийдан гайрат, куч ва қувват талаб этар эди. Сафар чоғида у дам олиш билан бирга ўз дунёқарашини кенгайтириш, жиддий алоқалар ўрнатиш, маданият ва маориф соҳаларида бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўрганишдек ўз режаларини белгилаб олиб, Туркия ва Миср ҳамда араб дунёсининг турли мамлакатларига узоқ - саққиз ойлик сафарга отланади. Бу ҳам ҳаж сафари, ҳам улуг мутафаккирнинг олами билмишдек буюк мақсад сари интилиши эди. Узоқ ва сермашаққат йўл давомида Бехбудий улкан ва кенг кўламли ишларни амалга оширади. У сайр этган барча мамлакатларнинг иқтисодиёти, географияси, тарихи, ижтимоий-сиёсий аҳолини ўрганади ва булар ҳақида «Ойна» журнатининг 15 та сониди «Саёҳат хотиралари» номи остида қундалик ёзувларини эълон қилади. Бехбудийнинг хотира қундалиги ҳамма томондан (барча жиҳатлари бўйича) қизиқарли ва фойдалли бўлиб, унда мамлакатларнинг аҳолиси, халқларнинг ҳўжалик турмуши, зироат юритиш маданияти, маиший ҳаёт

маданияти, савдо-сотик ва қўлаб бошқа нарсалар атрофида ёритилади. «Саёҳат хотиралари»да Марв, Байрамали, Красноводск, Боку, Кистоводск, Железноводск, Ессентуки, Одесса, Ростов ва бошқа шаҳарлар ҳақида тўла миълумот баён этилган. Туркия ва Жазоир, Сурия каби араб мамлакатларининг баёни эса тўлақонли, мукаммал характер касб этади. Бу ерда шаҳарларнинг меъмориётиги ва мамлакатларда сиёсий вазиятдан тортиб то жамиятда аёлларнинг тутган ўрни, аҳолининг машгулоти, кийим-кечаги ва либосларидаги ўзгаришлар, банк хизмати ва фаолияти, темир йўллар ҳимда меҳмоноҳоналарда тунаш ва унинг нархи, баҳосиниға ўз аксини топган. У қўрган-кечирганларини тарозига солиб, уларни бир-бирига таққослаб ва солиштириб, мамлакатлар ривожидида ижобий ва салбий, илгор ва қолоқ, тараққиётни олдинга ва орқига тортадиган йўналишларни тахлил қилиб, ҳулоса чиқаради. Бехбудий Байрут олий ўқув юртилари ва дорилфунунинда фаранг, олмон ва инглиз тиллари ўқитилиши, Европалек олимларнинг у ерда даре бериши, киёме лабораторияларнинг борлиги, тиббиёт олийгоҳларида жаррохлик хоналарининг борлигиға ҳавас ва эътиқод қилган бўлиб, она Туркистоннинг тараққиётда нақдир ортда қолганлигини афсуслар билан ёъалади. «Бу ерда, Туркистондан ташқари, дунёнинг барча мамлакатларидан ёилар келиб ўқийлади», - деб наъомат ила бонг уради у. Бехбудийни кутубхоналар, у ердаги жуда қўлаб журнал ва газеталар ҳайратта солади.² Шақ-шубҳасиз, Бехбудий нафакат саёҳат қилади, балки шу мамлакатлар халқларининг бой илмий ва ижодий меросини ўрганади. Бу каби саёҳатлар Бехбудий билимининг бойиши ва инсонларвараона фалсафасининг, илгор дунёқарашининг ривожига жуда улкан хисса қўнади. Бехбудийнинг теран фикри ва соғлом ақл-заковати уни она Туркистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётга эришув йўлидаги ору-ўй ва ғояларини амалга оширишга ундади. Шу билан бирга, у муқаддас Каъбани зиёрат этиб, руҳон енгил тортиди, инсон заковатиға тасанно айтиб, ҳимдусанолар ўқийди. Хаёлан у муътабар Макка шаҳри бунёдкорларига «Эй ўтмуш муқаддас мусулмонлар! Эй бонийлар! Эй фотихлар! Оллоҳ сизларни ниҳоятсиз раҳматларға фарқ

¹ Бехбудий М. Қасди сафар // *Ойна*. 1914. № 31. 24 май. 598-6.

² Бехбудий М. Саёҳат хотиралари // *Ойна*. № 48. 20 сентябрь. 1914. 1142-1147-6.

этушки, замонангизда бу қадар дохутий асарларни бисла этибсиз. Чин мусулмонлар, ҳақиқий инсонлар сизларсиз»¹ - деб ҳайқиради, эҳтиром айтади. Бирок ҳаётий муаммолар уни кўпроқ қийнайди ва бу нарсга сафар қундаликларида ўз аксини топади. Бу борала жалдигчилик масалалари бўйича олмонийлик талқинотчи профессор Ингеборг Балдауфнинг қуйидаги фикрига қўшилмасиз: «Маҳмудхўжа Қуддуси шарифта саёҳати баҳонасида ўқувчиларга қўнғилининг тубида қўшиб ётган гам-андуҳларини, Ўрта Осиёнинг дара-ташвишларини баён этиш ҳамда патановчиларига уларнинг хитоларини кўрсатиб бериш учун бу асарни битган». Олмон талқинотчисининг фикрича, Бехбудий хотира қундаликларидаги географик ва савдо-сотикка оид қийномалар яқин келажақда мамлакатлараро савдо-сотикка ва сайёҳлик алоқаларининг нуқудга қелиб ўрнатилиши ниятида ёзилиб кетилган.² Шу билан бирга, «Саёҳат хотиралари», «Ойна» журналларининг ўзи сенигари, Ўрта Осиё буржуазия вакиллари ва сармоядорларига дунёни Париждан Японияга қадар акс эттирувчи ойна бўлиб-гина қолмасдан, балки Туркистон учун мусулмон Шарқини, ислом дунёсини кашф этди, унинг цивилизациясини кўрсата олди десак, муболага бўлмас.

Асарнинг ўзида муаллифнинг руҳи, ўзлиги кўриниб турибди. Бехбудий нафакат қузатувчи, балки бунёдкор ва маърифатпарвар инсон сифатида ҳам намоён бўлади. Унинг табиятан жўшқинлиги, ҳаётини фаоллиги мураккаб вазият-ҳолатлар юзига келганда, ўзини четта тортишга йўл қўймайди. Масалан, Ростов шаҳрида у ўзаро бир-бирига қарши қурашувчи мусулмон гуруҳларини яраштириб, уларни бир максал сари бирлаштиришга ва уларнинг умумий сўй-ҳарикларини максаллар қурилишига жалб этишга урилиб қўлади. Муқаддас жойларда Маиска шаҳри атрофларида чочорлик ва бечороҳол, вайронагарчилик ва табиятан атроф-муҳитнинг бузилганлиги, тарбиясиз ёш болаларнинг ҳаж қилгани келган мусофир одамларга нисбатан ёмон муносабатларини кўриб, барча-барчани Оллоҳ йўлида пайғамбаримиз ҳақини ўзганини тушу-

ниб етишига ва бунинг учун қакраб ётган ерлардаги довархотни парварнишлаб, сув қўйишга, бузилиб издан чиққан сув йўллари ва ишшоотларини тозалашга, тузатишга, қадимий ёдгорликларни яйроғи бўлиб қотишилган сакташга ва уларни асраб-авайлашга ундайди ва ҳақиради.³ Муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий гоҳида ҳаёлий романтик сифатида ҳам кўринади. Унинг соқини қўнғили табиятини, она-заминнинг гўзаллигини кўрандида тўлониламанки туролмайди. Қуёш ботаётган шомдаги кечки денгиз манзараси уни мафтун этади. Дамашқадаги Валид ибн Абдулмалик томонидан қурилган масжидни унинг лол қолди-ради ва шу даражада ҳайратлантиришдики, уни кўрган ҳафта давомида ҳар кунни келиб, зиёрат қиладди ва бу бино меъмор-чилигини дунёнинг бирор ерида қўрмаганлигини, уни, умуман, бошқа нарсга билан таққослаб бўлмастлигини ёзди. Қўзларида ёш билан эслаб: «...Лоҳитий бир ҳолат рўй кўриб, дунёни унутарсен, қалбинг, ҳосминг ётуз «Оллоҳ» дер», - дейди.

Бехбудийнинг табияти ва фаолиятидаги юксак даражадаги илм, бор қуч-қайратини халқ маърифати йўлида сарф қилишга бўлган интилиши ўзидаги ишчанлик ва тadbиркорлик, ҳар бир нарсани ўз йўлида имконият даражасида ишлатиш қобилияти билан уйғунлашиб кетган эди. У нафакат маърифатчилик назариясига ва ташвиқотчисини, балки у яна бутун Марказий Осиёда билимларни амалда тарқатиш тизимини барпо этган инсон эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий падари бузруквори номи берилган «нашриёти Бехбудия» хусусий нашриёт эгаси, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган, Тошкент, Андижон шаҳарларидаги китоб дўконларининг ҳўжайини, «Ойна» журнали муҳаррири сифатида машҳур бўлган инсон эди. Хусусан, Самарқанддаги китоб дўконини у ўзининг ҳолисисида очган эди. «Бехбудия» кутубхонаси Самарқанднинг руслар истикомат қиладиган қисмида очилган эди. Бу шунчаки кутубхона эмас, балки дўкон ҳам эди. Бу масканга ташриф буюрувчлар Истамбул, Миср, Байрут, Қозон, Богчасарой, Оренбург, Эрон, Ироқ, Хиндистон, Афғонистон, Петербург ва албатта Туркистонда чол этилган китобларни кўриб, сотиб олишлари

¹ Бехбудий М. Саёҳат хотиралари // Ойна. 1914. № 51, 14 октябрь. 1212-6.

² Балдауф И. Маҳмудхўжа Бехбудий Фаҳистона // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 21 май, № 21.

³ Ойна. 1914. № 50. 4 октябрь. 1189-6.

мумкин эди. Замондошнинг гувоҳлик беришича, бу кутубхона Бехбудий нафотидан сўнг Туркистонда энг йирик кутубхоналардан бўлиб қолди.¹ Унда Куръон ва халисларнинг турли нашрларини, форс, турк, араб ва рус тилларида чиққан илмий асарларни сотиб олган мумкин бўлардики, бу ерда китобларнинг баҳоси одатда анча арзон белгиланарди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидан Туркистонга катта ҳажмдаги китобларни экспорт қилиш, бу билан боғлиқ бўлган ташкилий ишлар, алаҳамбор, моддий ҳолатдан кенг имкониятга эга бўлишни, халқро алоқалар ўрнати олиш, мишбилармонлигини талаб этар эди. Ваҳоланки, бу сифатлар ва имкониятлар Бехбудийда мавжуд эди. Кутубхонада кироатхона ҳам очилган эди. Наҳм Бехбудийнинг сўзи бўйича Бехбудий бу ерда илмий иш билан шугулланувчиларга, мия фаолиятини кучайтириш учун фойдала бўлишини назарда тутиб ширин чой берилишини буюрган экан. Шу кичкинагина факт Бехбудийнинг илм ва билимга чанқок одамларга бўлган муносабатини, ғамхўрлигини кўрсатиб турилади.

Қомусий ақл эгаси, инсонларар шакс бўлган Бехбудий тарих фанининг аҳамияти ҳақида гапириб, инсоннинг камол топишида ва жамиятнинг бошқаришда бу фаннинг ўрни бекиёслигини кўп мартаба таъкидлаб ўтган. Унинг: «Мозий истикболнинг тарозисидир»², - деган хитоби тарих ва ўтмиш тақрибасида ўзининг ҳақиқатини исботлайди.

Бехбудийнинг фикрича, жамият ривож ва тараққиётида жамият онгида тарих фани қандай ўрни тутиши керак? Унинг бу муаммога бўлган муносабати «Тарих ва жуғрофия» мақоласида ўз аксини топан бўлиб, бу талқинот жаҳдий масалаларни кўтариб чиққан асарлардан бири саналади.³ Мутаассиб ислом намояндаларининг котиб қолган дунёқароши ҳукмронлик қилган даврларда бу фанлар билан ва гуноҳ ҳисобланган эди. Шунга қарши Бехбудий ўша вазиятда тарих ва жуғрофиянинг муҳимлиги ва зарурлигини, диний ақида-парастларга қарши туриб, бу икки фаннинг жалид мактабларида бутун ёки кеча қилиш этилмаганини, балки жамият

ҳаётида қадимдан мавжуд бўлиб келганини исботлайди.

Табий ва иктомий фанларни Бехбудий «Ақли илмлар» деб номланган умумий тушулгача остида бirlаштирди. Халқлар тарихи, мамлакат тарихи, ислом тарихини билимай туриб, оддий мусулмон фуқаросидан тортиб то давлат арбоби, руҳоний ва уламо, олиму фузалоларгача маърифатли бўла олиши асло мумкин эмас. Бехбудийнинг фикрича тарих даштларининг гулдаб яшашни ва ё инқироzi сабабларини, кишиларнинг эътиқоди даражасини, мусулмончилиқка путур етиши ва исломга шак келтириб, унинг асосларини бузиб кўрсатиш сабабларини тушултириб беради ва барча саволларга жавоб беради. Мукаммал, одил нисон бўлиб етилиш учун тарихни бيلمok даркор, ҳар қандай билим ҳам тарих илмисиз тўла ва мукаммал эмас, дейди Бехбудий. «Дунёга ишонишok учун, қомил ва одил бўлмок учун тарихни ўқумok ва бيلمok керак. Подшоно вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумok керак. Дини исломнинг асли пайғамбар ва саҳобаларининг исломият ва уммат учун жафо чеккан ва меҳнатларини бيلمok учун тарих ўқумok керак. Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат, ё нопадид бўлган ҳукуматларни бيلمok учун тарих ўқумok керак... Мусулмонлик қандай кўлайди ва тараққий этди ва аъён на учун мусулмонлар таназул этдилар? Ва иложи худдорий ва тараққий наду? Муни бيلمok учун тарих ўқумok керак. Хулоса, дини дунёдан хоҳабар бўлмоқин хоҳлайдурган ҳар қим учун тарих ўқумok керак. Қузак ҳар нима ва шунинг асли ва насли тарихдан билинур»⁴ - дейди у тилга олинган мақоласида. М.Бехбудий бу ҳақда мулоҳаза юритиб, ислом тарихини ўрганишни, албатта, зарур деб билади ва бу заруриятни биринчи ўринга қўяди. Бу ўз-ўзидан равшан. Маълумки, ислом таълимотини поклаш ва ислоҳ қилиш, таълим-тарбия ва ҳаётий қадриятлар муаммолари жалидлар фаолиятининг диққат марказида турди. Улар таълим, иқтисодиёт, маданиятни ва умуман, жамият ҳаётининг барча жаҳадларини ислоҳ қилиш зарурлиги ислом таълимоти негизлида яққол белгиланганини исботлашга ва буни халқга тушултиришга ҳаракат қилдилар. Бехбудийнинг фикр-мулоҳазалари

¹ М.Ф. Маъмур-ҳоджа Бехбудий. // Наука и просвещение. 1992. № 1, август-сентябрь.

² Самарқанд. 1913. 3 октябрь.

³ Бехбудий М. Тарих ва жуғрофия // Ойна. 1914. № 27.28. 502-505-б.

⁴ Ойна. 1914. № 27, 503-504-б.

шунчаки оддий ва хавойи фикр-мулохазалар эмас эди. Қуръони каримни тўлиқ ёд билган инсон сифатида у оят ва хадислардан мисоллар келтириб, ислом дини тарих ва ижтимоий ғайиларга қанчалар катта эътибор берганлигини исботлайди. Исломот тарихини чуқур билимасликлдан ноҳуш ва ноқудлай вазиятларга тушиб қоладиган баъзи бир дин арбобларини танқид қилади ва шу ҳақда қўлгил воқеаларни эслайди. Тарих ва жуғрофия инсон учун қуёш каби зарурлигини, тарихни яхши билимқ учун жуғрофия ва айниқса, тарихий жуғрофияни билиш зарурлигига ўқувчининг диққатини тортади. Бу мақоласи билан чекланмай, журнал муҳаррири ўз ўқувчиларига турли-туман ғайилар бўйича мулғазам равишда маълумотлар бериб туришни ваъда қилади. Исломот тарихига эса Бехбудий «Мухтасари тарихи ислом» - «Исломининг қисқача тарихи» деб номланган махсус асар бағишлади. Унинг тўлиқлашгича, Қуръони карим билимдони, шарҳловчиси ва муҳаддислар олдига қадимдан улар эғаллаши керак бўлган бир қанча шартлардан бири тарих фанини ўрганиш эди.

Булар бежиз эмас эди. Бинобарин, тадқиқотчиларнинг аниқлашгича, Қуръони каримнинг тўртдан бирини тарихий факт, воқеа ва маълумотлар ташкил этади.

Тарихни ўрганишга Бехбудий қанчалар катта аҳамият берганини «Бехбудия» кутубхонасида мавжуд ва сотуғга чиқарилган китоблар рўйхати айтиб турибди ва бу ердаги наشرларнинг етмиш фоизини тарихга оид асарлар ташкил қиларди. Бу китоблар орасида уч томлик «Тарихи маданият», «Тарихи ислом», «Буюк тарихи умумий», «Тарихи истиқбол», «Турк тарихи», «Зафарнома шохий», «Хулоса тарихи маданият», «Ойнаи тарихи усмоний», «Маданияти исломия тарихи», «Темуриланг», «Ийгиримангчи асрда олами ислом ва Оврупа», «Тарихи қанш ул-Амрико», «Тарихи Эрон», «Тарихи Эронии бузург», «Тарихи Бахтиёри» ва бошқалар бор эди.¹ «Ойна» журналининг 38-сонида имзосиз босилган долзарб мақолада фақат Маҳмудхўжа Бехбудий кўтариб олиб чиқа оладиган масалалар ўртага ташланади. Улжа тарихига оид ҳауузгача «тартибли, истифодали, муҳаммад бир асар йўқ»²

¹ Ойна. 1914. № 47, № 43.

² Туркистон тарихи асрах // Ойна. 1914. № 38. 12 июнь. 797-6.

Тўғриси, шундай асар ёзувчи киши турк ўғлонларидан хануз майдонга чиққан йўқ». Лекин, дейди муаллиф, тарих бўйича ёзилган китоб йўқ деб бўлмайди. «Туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгандурки, у китоблардан рус ва бошқа европалийлар истифода этган ва этмақладурлар». Аҳолининг кўпроқ қисса, ҳикоят, ошқикона газал китобларга мойиллигини ҳисобга олган ноширлар кўпроқ моддий манфиат топиш мақсадида айниш шундай асарларни чиқардилар. Тарихни унутганлигимиз оқибатида барча ғулоҳлар сиз ва бизнинг бўйинимизга, елкамизга тушади, дейди у. Туркистоннинг янги тарихини ёзишнинг нақдлар машаққатлилигини тушулган Бехбудий, бундай асарни ёзиш Аҳмад Заки Валидийнинг қўлидагига келади, деб ҳисобларди.¹

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Сарт сўзи мажҳулдир» мақоласини биз нисбатда муҳим манба сифатида баҳолашмиз, аммо афсуски, жуда кам тарихчи ва этнографларига у маълум. Мақола - ўз замонаси илмий изланишларига таянган ҳолда, аҳоли фикрини билишдан тортиб манбаларни ҳам ўрганиб, мавзуга оид қатор адабиётларни таҳқиқ қилиш натижасида яратилган илмий асар.² Нима сабабдан М.Бехбудий бу мавзуга қўл урди? Маълумки, Туркистондаги рус аҳолиси ўртасида юқори бошқарув доираларининг сўй-ҳаракати оқибатида маҳаллий аҳолини «сарт» номи билан айтиш кенг тарқалди. Ҳаётда эса «сарт» ишлатилмас эди. Бехбудий шунинг учун ҳам бу «сарт» атамасининг қўлланилишига қарши эди. У халқни бу ном билан аташ нотўғри эканлигини исботлаш учун жиддий тадқиқотлар олиб бориш кераклигини тушулган. Шунинг учун Бехбудий ўз халқи тарихи ва хотирасига мурожаат қилди. У «Таржумон» газетаси муҳаррири Исмоил Гаспринский ўзи ташкил этган наشرлар, шунингдек, «Туркестанский курьер» газеталарида ушбу мавзуда чиқишларини қўлиб-қувватлаб, юқорида зикр этилган мақолани чиқарди. Албатта, Туркистонда бу масала аллақичонлардан буён мунозарига сибоб бўлган муаммо эди. Бехбудий «Ойна» журналда бу ҳақда биринчи бўлиб Баҳромбек Қоровулбеги сўзлаганини эслашиб ўтади. Аҳмад Заки Валидий иштирок этган муно-

¹ Туркистон тарихи асрах // Ойна. 1914. № 38. 12 июль. 797-6.

² М.Бехбудий. «Сарт сўзи мажҳулдир» // Ойна. 1914. № 22. 22-24.



заралар «Ойна» саҳифаларига ёритиб келинди. Журналнинг учта сонида чиққан каттагина мақоласи билан Бехбудий бу муаммо бўйича охириги хал қилувчи нуктани қўйиш учун мунозарлага ошмалар, ёшлар, фикрлайдиган одамларни тортди. Бехбудий бир нарсаси: туркистонликлар ўзларини ким деб атайдилар ва уларга акин бўлган атрофдагилар-чи, шунинг аниқлаб олайлик, дейди. Туркистоннинг қарбида яшовчи туркманлар туркистонликларни «тожиклар» деб, Туркистоннинг жанубида Балх, Бадахшон, Чоҳорда яшовчи аҳоли туркиёна сўзлашадилар ва туркистонликларни «ўзбеклар» деб, Афғонистон аҳолиси - тожик ва ўзбек тилларида сўзлашувчи халқ туркистонликларни «ўзбеклар» ва «туркийлар» деб аташди. Юқорида санаб ўтилган халқлардан бирортаси «сарт» сўзини билмайдилар. Кавказ, Эрон, Хиндистон халқларига ҳам «сарт» сўзи номилум. Улар ҳам Туркистон аҳолисини ўзбеклар ва тожиклар сифатида биладилар. Фақатгина козок ва татарларнинг маълум бир қисми туркистонликларни «сарт» деб атайди, яъни улар козок бўлмаган халқларни сарт деб биладилар. Бехбудийнинг: «на учун «сарт» десади?» - деган саволига улар - «бизнинг чўлининг сиртида ўтиргани учун «сарт» дермиз. Сирдарёни бир замонлар Яксарт деганлар. Дарёнинг аржогиде ўтирганларни биз «сарт» дегамиз»¹ - деб уларнинг тилидан ёзиб олади Бехбудий. Бехбудийнинг сўзларига қараганда, Туркистондаги 92 уруг ва қабилалар орасида «сарт» номи билан аталувчи халқ ёки қабиле-уруг бўлмаган. Муаллиф Самарқанд шаҳри ва вилоятида талқикот ишларини олиб бориб, қуйидаги хулосага келади: «Самарқанд вилоятида Тотор, Мангит, Мўғул, Кангул, Казок, Намин, Дўрман, Қирқ, Ўзбек, Сарой, Олчин, Баҳрин, Юз, Турк, Барлос ва амсолий исмлик кишлоқлар кўп. Хулоса турк-ўзбекларнинг ҳар бир қабиласининг исми таққилан кишлоқлар нихонда кўпдур. Аммо мажҳул «сарт» исми берилган бир-да кишлоқ йўқ... Самарқанд синажонининг шарқий, жанубий ва Ғарбий қисминдаги халқи аксари туркий сўйлайдурлар ва улар халқини «тожик» атайдур. Хеч ваҳж ила бу биргити улусун шаҳир халқини «сарт» демас»².

Самарқанднинг қарбиде жойлашган тожикларнинг 24 та қабилеси истикомат қилдиган Чашман волостида «Кайири козок» деган қичқинагити кишлоқ бўлиб, шаҳир аҳолиси у ердаги козокларнинг бир қисмини «сарт» деб атайди.³ Хуллас, Бехбудий улкан ва кенг камровли этнографик излавишларни амалга оширан ва ким билан суҳбатлашмасин, савол-жавоблар натижаси уни: «сарт» атамасини фақат руслар, козоклар ҳамда тоторларнинг озчилик қисминигити қўллар экан, деган фикрга олиб келди. У ёзадики: «Роҳимин хуруф 20 санадан зиёда бир муддат Самарқанд атрофиндаги кишлоқлар халқини маржия бўлган дор ул-қазо ва бўзган ваъия хироҷ ишларинда машҳул бўлуб, ҳар нав халқ ила сўйлашганим»⁴. Хар вақт тотор ва козок уругити мансуб кишилардан шаҳир халқини «сарт» аталганини мушоҳида этди. «Бу исми уруг ила руслардан бошқа на Туркистон, Эрон ва на Кавказ, на араб ва на хиндий ва на хитойларнинг Туркистон халқини ва ё тожикларни «сарт» аталганини эшитмадим.» Бехбудий Туркистоннинг турли бурҷаклариде ёши 60 ёшдан - 100 гача бўлган кекса кишилар билан суҳбат ўтказди ва қўллаб қабилалар - уруглар номини билиб олиб, ўз мақоласида келтирди, лекин кекса кишиларнинг бирортаси «сарт» сўзини билмас, эшитмаган ҳам эди.⁵

Маълумки, «сарт» атамаси чўқур тарихий илдила эга. Лекин бу ерда гал XIX аср охири - XX аср бошларидаги воқеа-халқисалар ҳикмати кетаяпти. «Сарт» сўзига ўзбек, тожик ва бошқа халқларнинг ўзлари қандай қарардилар? Бехбудий бу саволга шундай жавоб беради: «Матбуотдан бохабар туркистоний ўзбек ва ё тожик ё арабга «сарт» деб хитоб қилниса, ўзларига ор ҳис этарлар. Албатта, бир кишини ота-ониси берган исми бўлиб ва они мансуб қабиле ва уруги бўлиб туруб, они бошқа бир исм ила ҳақириб ва номилум ва ё маълум қабиле исмини таққилса, онинг хушланмасита... ҳикми бўлса керак»⁶. Афсуски, таниқли тарихчи ва адабиётчиларга унинг қилган мувожазати ҳеч қандай натижа бермади.

¹ М. Бехбудий Сарт сўзи мақоладур. // Ойна. 1914. № 24, 5 апрель. 364-6.

² М. Бехбудий Сарт сўзи мақоладур. // Ойна. 1914. № 24, 5 апрель. 362-363-6.

³ М. Бехбудий Сарт сўзи мақоладур. // Ойна. 1914. № 24, 5 апрель. 362-363-6.

⁴ Мақоладуға Бехбудий «Сарт сўзи мақоладур» // Ойна. 1914. № 22, 22 март. 340-6.

⁵ Мақоладуға Бехбудий «Сарт сўзи мақоладур» // Ойна. 1914. № 22, 22 март. 340-6.

Шунга қарамайдан, Бехбудий замонавий адабиётларга мурожаат қилади ва Н.П.Остроумовнинг «Сартлар. Этнографик маълумотлар» китобини, Вамберининг «Урта Осиё бўйлаб саёхати», Логофетнинг «Бухоро ҳолиги», Гайернинг «Туркистон саёхатомаси» асарларини ўқиб, ўрганади. «Ойна»нинг 1914 йили, 25-сонда буларнинг талкиига бағишланган мақоланинг даъвои босилиб чиқади. Бехбудий Н.П.Остроумовнинг китобига таъкидлий муносабат билдириб, унинг бир-бирига қарама-қарши бўлган эъдиқлиги томонлари борлиги ва муаллиф томонидан сартлар ўзи қим эканлигини аниқлаб кўрсата олмаганини таъкидлайди. Аслида Н.П.Остроумов Туркистон аҳолисининг маиший турмушини ўрганишни мақсад қилиб қўйган бўлиб, аҳолини сартлар деб атаган эди. Бехбудий Гайернинг фикрини қўллаб-қувватлайди. Гайер ўзбек ва тожикларни «сарт» деб аталишига гумон қўзи билан қараган эди. Вамбери ва Логофет асарларини ўқиб, Бехбудий ўз фикрларининг ҳақиқатига ишонч ҳосил қилди. У расмий манба ва маълумотларга, 1898 йилги аҳоли рўйхатига ҳам мурожаат этиб, Россияга қарам Туркистонда истикомат қилётган халқларнинг номларини келтиради.

Бехбудийнинг мақоласи биларга унинг нафақат публицист, адабиётчи, маърифатпарвар, балки яна ажойиб олим назарини ва амалий хулосалар ясовчи, илмий усулларини қўллаб-қўллашларини олиб боровчи талқинотчи олим сифатида намоён қилди. «Туркистон ўзбеклари», «Туркистон тожиклари», «Туркистон араблари», «Туркистон туркманлари», «Туркистон аҳудийлари» атамаларини қўллашга даъват этиб, у оддий халқ учун ёт, бегона, бемалум бўлган номларга чек қўйишни таъкиф қилади. Кейинчалик «сарт» атамасининг одамлар тилидан түшиб, унут бўлиб кетганлиги М.Бехбудийнинг ҳақиқатини исбот қилди, унинг фикрлари кенг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланди. Бу билан Бехбудийнинг фикри ва бу масалага унинг муносабатидан бошқа ажралиб турувчи фикр-муносабатлар бўлмаган, демокчи эмасми. Масалан, «Салон Фаргона» газетаси 1914 йилги 30-сонда «Сарт сўзи маълумдир» мақоласини босиб чиқарди. Унинг муаллифи - Абдуллобек афсоналарга асосланиб «сарт» сўзи «маскилиқ ва мадрасилоқ», «озода ва маданний» маъноларини берувчи сўз эканлиги ва бу ном билан фахрланиш

қарақлигини исбот қилишга уринади. Бехбудий «Ойна» сахифасида булг жавоб тариқасида «Сарт сўзи маълум бўлмади» мақоласи билан чиқди.¹ Мақола эмасми эъдиқлигига қарамай, ифода усули ва даражасига кўра, унинг муаллифи айлан М.Бехбудий эканлиги сезилипти. Нима бўлганда ҳам, қуйидаги ажойиб фикр Бехбудийдан бошқа бирон кишига тегишли бўлмаса керак: илмий жўлатдан жиддий исбот-далилларсиз бирон нарсани таъкидлаш мумкин эмас ва «номалум бир ривоят ила улут масала тарихини хал этмокликни эса тарих ҳақиқига жиноят санайдулар».² Бехбудийнинг тараккиятда фанга бекиёс ўрни ажратиб қараганлигига у билан Бухоро ва Самарқанда бир неча марта учрашган Садриддин Айний гувоҳлик беради. С.Айний у билан биринчи марта 1908 йили Самарқанда бир меҳмондорчиликда бўлганини ва Бехбудий у ерда ҳамманинг эътиборини тортиб ўтирганини, ҳамманинг диққат марказида бўлганини ҳикоя қилади: «Бу кеча Махмудхўжа қўпичча фанвий масалалардан сўз чиқариб, ердан, қўқдан, ойдан, юлдуздан, қисқаси, ул вақтда биз эшитмаган нарсалардан қўпичга сўйлади».³ Махмудхўжа Бехбудий билан иккинчи учрашувини эслаб, ўшанда Айний Абдулқодир Шакурый билан унинг уйига таширф буюриштиганини, суҳбат мавзуси Туркистон ва Бухородаги илмий ва иқтисодий масалалар бўлганини кўрсатиб ўтади.⁴

Вақт ўтиши билан содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни талқин этиб текширган Бехбудийнинг сиёсатшунослик ва маданиятшунослик асарлари ҳам тарихий аҳамиятга молик бўла борди. Бу ерда Туркистоннинг миллий давлат қўриштиш муаммолари муҳим ўрин эгаллайди. Туркистоннинг сиёсий аҳолига ва тузилишига М.Бехбудий қандай муносабатда бўлган? У ўз халқи тараккиётини нафақат маърифатда, балки унинг сиёсий маконининг кескин ўзгаришида, ўз мустақиллигини қўлга киритишда деб билди. Узининг қўллаб мақолалар ва сиёсий-иқтисодий фаолиятида у рус чоризми

¹ «Сарт сўзи маълум бўлмади» // Ойна, 1914, № 39, 19 июль, 922-924-б.

² Уша ерда, 924-б.

³ Садриддин Айний. Бехбудий ҳасратлари тўғрисида хотираларини // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1988. 15 апрель. №16. «Зарфшон» 1922. 25 март. №32, шаҳрда тайёрлаган Ш. Туршев.

⁴ Уша ерда.

ва вақтда ҳукуматнинг мустақлақчилик сиёсатининг фош қилини, мажбури тузум қонуналарини танқид остига олади. Масалан, вақтда ҳукумат томонидан ўз моҳияти жиҳатидан демократик қўрилган бир қонун қабул қилиниди. Бу қонунга биноан, қози ёки воқоат 25 ёшга кирган ҳар қандай мусулмон кишига сайланиши мумкин эди. Бирок бу лавозимга сайланишдан одамдан, унинг қобилияти, инъиладик маҳоратининг таъсирловчи бирор бир ҳужжат талаб қилинмас эди. Демак, ҳулоса қилиди М. Бехбудий, маълумоти йўқ, ноҳалол кишилар учун бундай лавозимларни пулга сотиб олиш имконияти пайдо бўлади. «Мустақил ва зотин ҳукуматнинг мақсад ҳуқуқдорларининг бу қилган жабрлари ўзлари учун энг яхши, биз мусулмонлар учун энг жонсиз ва харобилигини бери. Бу ҳақда бизга саводсиз қозиларни оқша ва расво ила сайламоғига ёрдам эди». ¹ Мадраса мудarrisларининг соғи қисқари кетганлиги шунга олиб келдики, эски зиёлилар ўрнига 2-3 мудarrisнинг ўринини эгаллаб ишлаш шарти билан билими паст бўлган ёшлар ишга қабул қилинар эдилар. Шундай қилиб, бир «билимсиз» киши бир неча фанлардан сабоқ беради. «Натижада илмо озади. Ахлоқ бузилиди, йлмо мусулмонияга жоҳил ва қонлар сирф саводсиз кишилар қози бўлиди. Тадрис ва афтодан оғиз кишилар муфти, мудarris бўлиб, талаба, маорифчи ва аҳоли ишларини састага учратди. Бошқа тарафга қарасак, қози ва мудarrisлик учун истеълод бўлган улаомимиз оч юраду. Оҳ, зотин ҳукумат ва инсониерлар бизга наълар қилдилар». ² Лекин мустақиллик ва озодлик курашида қўлга киритилмайди. Бехбудийнинг имони қомқили, «Жақ олинур, берилмас!» У мақолига шундай сарлавҳа қўяди, «Баёни ҳақиқат» мақолисида ҳам юқоридаги сўзларни таъкидлайди. Таросдан яхши маълумки, деб ёзди Бехбудий: «Жақ олинур, берилмайду. Хар миллат ва мамлакат ҳалқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифок ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар, ҳусусан, Туркистон мусулмонлари, истаимизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид

қилмоққа асло фикр ва инъитимиз йўқ».¹

Бехбудий «Хурият берилмас, олинур»² номли мақола муаллифи Мунавварқорнинг фикрига қисман қўшилди. Лекин Мунавварқор озолиқини «Факат қон илагина олиб бўлур», - деб ҳисобларди. Бехбудий эса қўнчилиқ жалдилар ситлари, мустақлақчиликка қарши қонсиз кураш тарафдори ҳар қандай инқилобга қарши эди. У доимо диққат билан Дума ишони қузагар, парламент кураш орқали қўн нарасага эришса бўлади, деб ҳисобларди. У Мухториятнинг ашаддий тарафдори бўлишига қарамай, тараксонга эришининг тадрижий аста-секинлик билан амалга олуши усулларини еклаб чиққан эди. Ҳатто, Россия таркибида туриб ҳам Туркистон ўз мустақиллигига эришини мумкин, деб ҳисобларди. Февраль инқилобидан сўнг Россия федератив тузилмасини ва унда Туркистоннинг ўрни қай даражадалигини Бехбудий қандай тасаввур қилган? У ёздики: «Беш вилоятдан иборат... Туркистоннинг ҳар бир шаҳар ва уездан бир неча нафардан киши сайланиб, Тошкентда қатта марказ ва мажбисимиз бўлурки, барча олур-соллик ва минбаъд бўлатурган қонун ва низомиларни алар тузиб, Туркистонда жорий қиладулар. Русия ҳукумати ила мусулмонлар орасида шул мажлис посита бўлур. Туркистон учун ва ҳар вилоят сайланган волий ва маъмурларни алар мустаҳкам қиладулар. Туркистоннинг на тараксий ва инқишофига алар ҳаракат қиладулар. Албатта, маъмур нақил ва маъмурларимизнинг кўпроқ мусулмонлардан ва озроғи руслардан бўлур, ишлар ҳуқи ила ва зўр ила бўлмай, балки маъмур ризолик ила бўлур».³ Бирок, бундай ҳуқуққа эри бўлиш учун, миллатидан қатъий назар, ҳамма иқтимоий қатламлар курашда иштирок этиши керак ва рус аҳолиси билан бирлашиб, «Туркистон мусулмонлари шўрсони»ни тузиш керак ва бу шўрога ҳар бир уездан вакил сайланиши керак, деб таъкидлайди муаллиф.

Озодлик ва мустақилликка эришини йўлидаги дастлабки шарт-шаронлар шулардан иборат бўлиши керак эди. Бехбудий фикрича, демократик Россия давлати доирасида Турки-

¹ Бехбудий М. Бизга ислоҳ керак // Наҳот 1917. № 18, 7-ноябрь (17 апрель).

² Бехбудий М. Бизга ислоҳ керак // Наҳот 1917. № 18, 7-ноябрь (17 апрель).

¹ Бехбудий М. Баёни ҳақиқат // Улуғ Туркистон. 1917. 12 июнь.

² Мунавварқор. Хурият берилмас, олинур // Наҳот. 1917. 26 март.

³ Бехбудий М. Жақ олинур, берилмас // Хурият. 1917. №22, 13 июль.

тоннинг мухторият макоми остида яшаши учун яна бир асосий шарт - бу ички можаро ва зиддиятларга барҳам бериши эди. «Баёни ҳақиқат» мақоласида бу ҳақда у: «Биз истаимизки, бутун Россия мусулмонлари мухторият (федерация) усули юзасидан тириклик қилсулар. Россия мусулмонларининг ҳар бир шўъбаси муҳити жуғрофия ва мамлакатларини ҳудуд табиаси (чегараси) бўйича айрим бўлакларга бўлиниб, ўз тарафларидан ўз ҳуррият ва одатларига мувофиқ... идора қилиниб ва бутун Россия мусулмонлари учун Россия пойтахтида бир «Мусулмон марказий идора» вужудга келтирилиб, сиёсий ва истеъдодий ва мамлакат ишларига руслар ила қўлма-қўл ушлаб, дунё ва тараққий майдонга ҳаракат ва бирга жаалон этилсун...». Мухториятдаи маишати (турмуши - Д.А., Д.Р.) вужудга келтирмоқ учун... ал-ҳусус, биз - Туркистон мусулмонларига лозимки, аввало, қадим ва жадид иншо лафзисини қўйиб, узаро иттифок истасак. Туркистон мусулмонлари бундаги русий, ҳудудий ва бошқалар қўшилган ҳолда ўз бошларига Русиянинг бир парчаси ҳисоблана турган Туркистон ҳукумини (ҳукуматини) таласи этсак, ўзимиз мажлис маишаратимиз (парламентимиз - Д.А., Д.Р.) бўлсин, десик, Туркистон мусулмонлари шарият ва одатларига, ўз зақун ва динларига мувофиқ тириклик қилсинлар. Туркистон ҳудудий, насроний ва мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олтургон қонулар тузулсин. Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимиз... иттифок этиб, бутундин ислохотга, иттифоққа қадам қўйсалар... эълои ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламоимиз бирлашиб, дин ва миллат, ватан ривожини учун ҳизмат этсак... Ўзимиздан бора-бора тадрикий суратда аскарларимиз бўлисин. Ул миллий аскарларимизнинг назифасини, қиёбат ва шаклини, либос ва тарзи маишатиини ўзимиз тайин қилурмиз. Маиш, бизнинг олдимизда энг катта ишлар турибдур...». Ҳозирги аҳволга қараганда яна биз мусулмонлар русларнинг фуқароси ва раияси бўлган ўлкадек, алардан даст ва рижого қолурмиз. Колония (мустамлақот) қондаси ила бизни илора этарларки, бунга ўз ихтилофимиз сабаб бўлур!»¹ Миллий-озодлик

¹ «Улут Туркистон», 1917. 12 июн.

ҳаракатидаги зиддиятлар мустамлақачилик тисимига яна олиб келишини Бехбудий яқин тушунар эди. Агар «бутун Туркистон халқи иттифок этса, қон тўқилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмақ қолур. Дин ҳам ривож топур. Минг қарра лоду белонки, истеълоф этмоқ учун иттифок этганимиз ва истеълофимиз сабаби ила бадбахтликга дучор бўлурмиз. Бутун Туркистон иттифок этса, 15 миллионлик бир қувват эълога келурки, мунига ер титрайду!»² Бу сўзларни Бехбудий «Туркистон мухторияти» эълон қилингандан сўнг айтган. Аммо Бехбудийнинг ақли сафдоши ва ўқувчиси бўлган Ҳожи Муиннинг гувоҳлик беришча, Бехбудий ёшларда инқилобий гоялар таъсирсиз бўлиб, айниқса 1905 йилги рус инқилоби унга қучли таъсир қилган. Лекин у қўп ўтмай мустамлақачликка эришининг тинч йўл билан амалга ошириш зарурлиги ҳақидаги фикрга кела бошлади. Шарқшунос Лазиз Азиззода М.Бехбудий ўлимиданг етти йиллиги кунига бағишлаб ёзган мақоласида: «Бехбудий энг аввал Туркистонни чор ҳукумати қўлидан қутқизиш гоясини элга талқин қилурчилардан, аҳолининг эътилофчилигини биринчи сезганлардан ва бу ҳақда турли уста йўллар ила истеълоб қурашига чакирчилардангир... У ҳар вақт ўз мақоаларида чор ҳукуматини танқид қилар, баъзан очик, баъзан яширин ташвиқотлар қилар ва айни замона Бухоро амирлигига ҳам ҳужум қилар эди» - деб таъкидлайди.³

Мустамлақачликка эришиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири, М.Бехбудийнинг фикрича, ёшлар ва кекса авлод вақоқларининг бирлашуви даркор. Ёш авлод ўзидати шошқалоқлик иллатидан қутулиб, масалаларни ҳал қилишда илмий асосларга суяниб иш қўриши ва мустаҳкам ирода намоён этиши керак. Афсуски, тан олади Бехбудий, ўзим тез ва шошқалоқ чора-тадбирлар қўриш тарафлори эдим, лекин ҳаммаси режа асосида амалга оширилиши ва кекса авлод ёшларни миллат равақини йўлида меҳнат қилиб қурашши имкониятларидан маҳрум қилмаслиги керак.⁴

1917 йил баҳори Туркистон ўлкаси мусулмон ақли сиёсий

² Бехбудий М. Туркистон мухторияти // Ҳуррият. 1917. 22 декабрь.

³ Азиззода Л. Бехбудий // Маориф ва ўқитиш. 1926. №2.

⁴ «Улут Туркистон», 1917. 12 июн.

содатдан уйғонди, бу масалалада бурлини ҳолати ясалдики, ушайётган демократик жараёнларга бош-қош бўлиш истагини аён этган янги кучлар сиёсий сахнага чиқдилар. Янги ушайётган миллий демократик кучларнинг ядроси, яъни таркази сифатида ўз фаолиятида раҳбарлик макенга тайёр-арлик кўриб келган жадидлар майдонга чиқдилар.

Маҳаллий халқларнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлида эголларини ўлкада шонли ва зафарли демократик инқилоб билан боғлаган жадидлар дўғта ўзлари эълон қилган прин-ципларини таъбиқ қилиш бўйича фол ҳаракат бошладилар. Обора кенгайиб бораётган демократик жараёнларда маҳаллий қоли сиёсий манфаатларининг устувор ҳимоя этиш масаласи жадидларнинг 1917 йил февраль воқеаларидан сўнг сиёсий ахнадаги фаолиятининг асосий йўналишига айланди. Туркистонда бу голларнинг бошида Маҳмудхўжа Бехбудий ўрар эди ва у ҳам барча жадидлар каби Россияда галаба озоппан Февраль демократик инқилобни кўтаринки рух а қувонч билан кутиб олди. Бу инқилоб Туркистонда жадид-лар учун мустақиллик бўйича ўз дастурларининг амалга ашишида катта имкониятлар беришини Бехбудий ахши унутар эди. Туркистон маҳаллий халқларининг сиёсий, иллий ва истисодий манфаатларини ҳимоя этиш жадидлар ахусусан, Бехбудий фаолиятида устувор йўналиш сифатида 1917 йил баҳори ва ёзилган то Қўқон мухторияти тор-мор ўлиб тутилишунга қадар ҳукмронлик қилиб келди. Заки Вали-ий Тўғон ўз хотираларида Россия федератив давлат тузил-асини ҳимоя қилиб, ёқаш бўйича Бехбудий фаолиятини воқода кўрсатиб ўтди. «Кўшан шу даражада шайқатиз ва еаёв бўла бордики, хатто, дўстларини ҳам агар улар бизга яриши бўлсалар, аёб ўтиришмас эди. Қадетлар фирқаси йў-шчиларидан бири, Тошкент муниципалитетининг собик ақили проф. Малетскийга (Н.Г.Малликий кўда тутилган - А., Р.Д.) қириш аёвси кураш олиб боришга тўрни келди. Бени Самарқанд муфтини - адабиётчи Маҳмудхўжа Бехбудий а эсэрлар, асосан Вадим Чайкин ва шарқшунос Лев Зимин-лар қўллаб-қувватлашди. Қўллаб Урта Осиёлик эзилларга қадетларнинг партияси ақин келар эди, аммо қозоқ, ўзбек а туркман қишлоқларидан етилиб келаётган вакиллар бу қадетлар партиясига ақтиёткорлик билан муносабатда бўлар

эдилар. Улар билан Маҳмудхўжанинг очикдан-очик муло-қотлари узоқ ва чекса жойлардан келган мусулмон вакил-ларини қилаётган ишмонининг ҳақлигига ишонтира билди, уларни федерация тарафдорларига айлантирди»¹. Шунинг айтиши керакки, Россия федератив курилмасига қириш турганлар агар Россия федератив республика макомини қабул қилса, унда мусулмонлар бундан ютқизинади, чўпки улар мухторият асосида ўз-ўзини бошқаришга ҳали тайёр эмаслар ва натижада тараққиётга гов бўлувчи, халал берувчи мутаассиб (консерватив) руҳонийларга тобе бўлиб, улар тўсирига ту-шиб қоладилар, деб ҳавфсирардилар. Бундай фикрлар тўсирига маҳаллий ақолидан сайланган вакилларнинг маълум бир қисми ҳам берилган эди. Шунинг учун Бехбудийга тушунтириш ишларини кентроқ олиб боришга тўрни келди. Маҳмудхўжа Туркистон парламентида фақат рус тилидагина гапириш катта хато бўлур эди, деб ҳисобларли, туркий ва рус тиллари тенг ҳуқуққа эга бўлишни керак ва бу нарс а эртами-кечми амалга ошад, деб ишонарли. 1917 йил 9-16 апрели кунларида бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси Ижроия қўмағалари курултойида сўзга чиққан Бехбудий, Аҳмад Заки Валидий билан ҳамкорликда маҳаллий халқнинг сайланадиган орган-ларга тенг ҳуқуқли асосларда қатнашувини ёқлади. У қадетлар фирқасининг шонинистик сиёсати ва Н.Г. Малетскийнинг позициясига қириш қилиб, шаҳирининг иккала қисми евро-палик ва маҳаллий қисми учун ягона шаҳар ўз-ўзини бош-қарувини ташкил этиш зарурлиги ҳақида тапирди. «Мусул-монлар тараққиётда орқала қолганин ва улар мутаассибдилар дейиш - нотўғри», - деди у, - «биз бир-биримизни, умуман олганда кам биламиз, биргаликда оз муддат яшадик, лекин эндиликда бизни озолик бирлаштирари. Бундай жипслашув ва ақиделик мусулмонлар манфаитига хизмат қилади, зеро улар катта оғалари - руслардан ўрганишни истадилар. Биз бирлашган Россиянинг фарзандларимиз а биргаликда бори-шимиз лозимки, олдинги кустовга олишлар, сиқошлар уну-тилиши ва ортда қолини керак. Шаҳар ўз-ўзини бошқа-рунининг бўлиниши руслар учун манфаатли эмас: қўпгина шаҳарларда рус қисмлари ўзларининг ақтиёлларини кон-

диришга қолди эмаслар. Руслар ёш мусулмонлар билан бир-гилекда ишлашлари керак. Мусулмонларнинг ўзлари озолик ва маданий йўлда ўз ўринларини русларга бўшатиб берадилар.¹ Нотик компромисга - келишишга ҳам тайёр ва русларга мутаносиб (пропорционал) миқдорда ўрин бериш ўрнига барча ўринларнинг учдан бир қисmini беришга тайёр эди. «Руслар сиқувдан хавотир олмасалар ҳам бўлади, мусулмонлар орасида Бухорода - 1200 йилдан бўён бойиб ва ривожланиб ахудиёлар яшаб келмоқдалар. Маданият ва қўшилларга эга бўлган европаликлар эса бирон нарсадан хавотирга тушмасалар ҳам бўлади, аммо мусулмонлар ҳуқуқининг қисқариб қамайиши демократик тамойилларга зид келган бўлур эди», - дейди Бехбудий². Бу материал кўп нарсалар ҳақида ўй-фикрларга олиб келади, чунончи, биринчидан «Туркестанские ведомости»да Бехбудийнинг чиқиши бошқача бир тарзда берилган. Юқорида келтирганимиздек, унинг икки ибораси Туркистон ўлкаси ижрония кўмиталари қурултойи баённомасидан жой олмаган. Газетада ёзиллишича, Бехбудий, ўшанда мусулмонлар келишувга тайёр ва русларга учдан бир эмас, балки барча ўринларини бериши ҳақида гапирган, дейилади.³ Бундай бўлиши мумкин эмас эди. Маданият хавотирланиб, ўринларини мутаносиб тарзда бўлиш принципи русларга умуман биронга ҳам жой қолдирмаслигига қўзи етди, чунки руслар маҳаллий аҳоли билан солиштирганда, озчиликни ташкил этардилар. Шундан келиб чиқиб, Бехбудий компромисс - келишув сўзи остида русларга кўпроқ ўринлар, яъни уларга учдан бир қисми берилишини қўзда тутган эди. Бехбудийнинг бу чиқишидаги айрим сўзлар газетада: «Бўлинишга уриниш бўлиши мумкин эмас, зеро мусулмонларнинг ўзлари ҳуқуқларини тенглаштиришга ҳаракат қиладилар» - деб ўзгартириб берилган. Холбуки, қурултой баённомасида бу сўзлар кучлироқ оҳангда айтилган эди: «Агар бунга руслар қўймасалар, унда умумий масалалар бўйича келишув комис-

сиясини ташкил этиб, мусулмонлар ажралиб кетишларига тўғри келади».⁴

Демак, Туркистон муҳторияти ташкил бўлгунга қадар, Бехбудий, агар мунаффақитгазилликка учраса ва Туркистонда сиёсий қучлар ноўрин жойланса, у холда ўз миллий давлат тузилмасини ташкил қилиш имконияти пайдо бўлишини қўзда тутди. Бехбудий ва Аҳмад Заки Валидий давлатни бошқариш иши маълумоти йўқ (бу ерда маҳаллий халқлар вакиллари қўзда тутилатти - Д.А., Р.Д.) кишилар қўлга тушиб қолганидан хавотирланган қадетларни танқид остига олиб, улар Хиндистон мустамлака бошқаруви тажрибасига тез-тез мурожаат қилишга ўргатганликларига ишора қилиб: «Хиндистонга мустамлака бошқарувида оид қалн китобларни таржима қилдиришларки, ўшандай бошқарув тизимидан бу ерда фойдаланиш учун, ундан кўра, ҳуқуқрон ва тобе миллатларнинг қандай қилиб бул хил сайлов ҳуқуқига эга бўлишлари ва тенглик шароитида яшашлари мумкинлиги ҳақида китоблар таржима қилиб чиқарилса, айни мудио бўлур эди ва бундай китобларни ҳам рус ва ҳам туркий тилларда нашр этиш даркор», - деб айтдилар. Бехбудийнинг бу нутқда бир қизик ажабланирли жиҳати бор, у ҳам бўлса, «қатта оға» иборасининг қўлланиши. Чунончи, «қатта оға» ибораси «қатта оға» юргизаётган мустамлакачилик сиёсатини (газзакорона қоралаб) танқид қиладган Бехбудий тилидан «чиқини қизик хол эди. Лекин бу ерда ҳалис бўлишимиз керак. Бехбудий рус маданияти олдига тиз чўқар эди. Ўша йиллари Туркистонга нисбатан, Россияда фан, санъат ва адабиёт соҳалари тараққий этиб бораётган эди. Циолковский, Докучаев, Вернадский ва Менделеев, Пирогов, Миклухо-Маклай, Толстой, Достоевский, Чайковский, Раҳманинов ва қўлаб улкан олим, адиб, музикачилар, театр ва музейларнинг ривожланиб бориши ва ҳокзаларнинг барчаси Бехбудийни хайратта солмаслиги мумкин эмас эди ва шу асосда юқоридаги «қатта оға» иборасини қўллагандир ҳам. Бехбудий жадидлар орасида қатта обрўга эга эди. Унинг ишонтира билни хислати сафдошларига гумон-шубҳа ва қўйғиқчиликларни енгитиб ўтишда ёрдам берар эди. Бехбудий, Валидийнинг гувоҳлик беришича, жадид-

¹ Протоколи съезда депутатов Исполнительных Комитетов Туркестанского края. 9-16 апреля. 1917. Ташкент. Типография «Туркестанские ведомости». 1917. с.29.

² Протоколи съезда депутатов Исполнительных Комитетов Туркестанского края. 9-16 апреля. 1917. Ташкент. Типография «Туркестанские ведомости». 1917. с.29.

³ Туркестанские ведомости. 1917. 26 апреля.

⁴ Протоколи съезда Исполнительных Комитетов Туркестанского края.

чиликнинг кенг миллий ҳаракатга айланишига ишонар эди. Хаттоки, Мунавваркори, балсан гуломлари устун келган вақтларида ҳам, Заки Валидий гувоҳлигида, Маҳмудқўжа Бехбудий сўзларига кулоқ тутар эди. Унинг ўринли танқиди шарофати билан курултойда шахар ўз-ўзини бошқарувининг икки шаклига сайловлар ўтказиш ҳақидаги хавфли фикр-таклиф инкор этилди, яъни Туркистонда руслар учун алоҳида, маҳаллийлар учун алоҳида бошқарув тизими инкор қилиниб, ҳамма учун ягона ўз-ўзини бошқарув тизими таклиф этилди. Бехбудий фаолиятида миллий манфаатлар устувор аҳамиятга эга бўлишига қарамай, унинг ўли миллий ҳаракат гоёси тарафдори ва барча сиёсий кучларнинг бирлашуви тарафдори эди. Шу билан бирга, Аҳмад Заки Валидийнинг гувоҳлик беришича, Бехбудий большевикларга ёт кўз билан қараб келган ва уларга инсобиан ёмон муносабатда бўлган. Зеро: «Мунавваркори, Бехбудий ва Бухоро жаҳидлари қадетларга қарши қандай чиқинган бўлса, социализмга ҳам шундай қарши бўлганлар»¹, - деган сўзлар юқоридagi фикрни тўла қўллаб-қувватлайди. Чунотчи, Бехбудий ўша пайтда мавжуд бўлган барча фирқаларни жуда яхши билар эди. 1906 йили у ўзининг махсус мақоласига тўртта фирқага, жумладан, большевиклар фирқасига ҳам баҳо бериб ўтган эди.² Мақола номи араб маколли «Хайр ул-умури авсатухо»дан олинди. «Хамма нарсанинг ўрта миёнаси дуруст», деган маънони берад эди. Биринчи партияни у «буйрукратия-мустибид», яъни эски монархиягузуми тарафдорларидан иборат партия деб атайди. Агар бу гузум, Бехбудийнинг фикрича, Туркистоннинг эркин тараққиёти учун, умуман, номақбул бўлса, унда «иштирокион авомия манишат муштирақа фирқаси» - социал-демократик партияси дастурига нисбатан номақбул, балки ўта зарарли деб ҳисоблайди: «Хар ҳолда бу партиянинг муроиди мумкин лойиқси ёнқи хайиёидек қўрутув, бу тоифага қўшилмоқ бу мусулмонлар учун ниҳоят зарарлидур. Прогрессмаларин молли моддаларини бир оз таъйир бермагунча шариятта мувофиқ ўлмагани каби жоний ва онда бобидий фикрлари ҳам асло тўғри келмайду».³ Бехбудийнинг бу муносабати совет

таъкидотчилари томонидан унинг социализм гоёларини тушуниб етмаслиги, марксизмни билмаслиги, хатоси сифатида баҳолашиб келди. Бирок «Хайр ул-умури авсатухо» мақоласини аслиятида ўқиб, Бехбудийнинг ўз позицияси созиби бўлиб туриб, социал-демократик фирқа ва унинг дастурига салбий баҳо берганигига бизда шубҳа қолмади. Қадетлар партиясини «қадет авомия манишат муштирақа» фирқасини ҳуш кўргичи Бехбудий сал кейинроқ - апрель ойида Туркистон ўлкаси Ижроия қўмитаси ноиблари курултойида бу партия аъзолари билан тўқнаш келиб, балки хатти-ҳаракатларидан норизо бўлиб, қўнғи қолган ва қадетларнинг позициясини қатъий танқид қилган эди. М.Бехбудий тўрттаги партияни - «русия мусулмонлари иттифоқи»ни таърифлар экан, унинг сиёсий дастури қадетларникига ўхшашлигини таъкидлади. Шу билан бирга, бу партия мусулмонларни диний, иқтисодий, мафкуравий жиҳатларидан бирлаштирар эди. Бехбудий, бу ҳаракатда Туркистон, Бухоро, Хиванинг ҳар бир вилоятидан мусулмон вакилларида кан деганда 30 та одам қатнашини ва Туркистон раънақи йўлида ҳисият қилувчи қўмита тuzилиши лозим, деб ҳисобларди.⁴ Шундай қилиб, у Туркистон учун энг мақбул партияни таълар экан, ўз нуқтаи назарини мувоzanатли объектив деб баҳолайди. Узининг енгил ва жонли тилда ёзилган фельетони билан ўқувчиларга тўрт партиядан ҳар бирининг максали ва вазифаларини тушутиришига ҳаракат қилади. Бирок Бехбудий асарини фельетон ҳисоблан бўлса ҳам, биз уни тахлилий мақола сифатида баҳолаймиз, чунки бу ерда маърифатларнинг муносабатлари, тушунчалари ва ҳулосалари мавжуд.

«Ойна» журнали Бехбудий қайноқ фаолиятини кўрсатадиган ва гоёларини илгари сурган ёрқин ёдгорлик ҳисобланади. Журналнинг биринчи сони 1913 йил 20 августда, охириги 68-сон сә 1915 йил 15 июлда чиқди. Умуман олганда жами 1720 саҳифадан иборат.⁵ Журнал ҳар ҳафта чиқар, журналнинг сони 24 саҳифани ташкил этади. 47-сондан журнал саҳифаларидан фотомиллюстрациялар ҳам жой ола бошлады. Бу фотомиллюстрациялар қўпига Самарқанднинг архи-

¹ Заки Валидий Тосан, Воспаланиши. Уфа. Китаб. 1994. с-176.

² Бехбудий М. Хайр ул-умури авсатухо // Хуриш. 1906. 11 октябрь.

³ Ўша ерда.

⁴ Бехбудий М. Хайр ул-умури авсатухо // Хуриш. 1906. 11 октябрь.

⁵ Ўзбекистон миллий кутубхонасида 52-сон санъатлан.

текстура ёдгорлиги ва М.Бехбудий саёсати пайтида тўхтаб ўтган жойлари ҳақида ҳикоя қилар ҳамда Исмоил Гаспринскийнинг бир неча сурати ҳам босилиб чиққан эди. Журналнинг ташқи кўриниши ҳам ўзгача бўлиб, қулай бичам ва ўқиш учун араб ёзувининг бежирим, чиройли шрифтига ҳам эга эди. Журналнинг кўрама муқоваси ва охириги саноқчалари рус тилидаги реклама ва бېғизи бир маълумотлар учун мўлжалланган эди. Журнал номи муқовада тўрт тилда: ўзбек, тожик, араб ва рус тилларида - «Ойна»-«Кўзгу»-«Мирьот»-«Зеркало» номи остида чиққан.

Хўш, «Ойна» нимани аниқлатади? Маҳмудхўжа Бехбудий жавоб беради: «Ойна... Унда одам назар ташласа ўзини кўради ва киёфасининг қандайлигидан огоҳ бўлади. Қизил, сарик, қора ё оқ бўлса, бу омиллар тўсирида унинг моддий ва маънавий ҳолатининг ҳосили бўлган... киши иложини қўдира бошлайди... Одамзотнинг ойнаси одамдир... Боз устига, одамзотнинг ойнаси бошқа одамдир. Дўстлар бир-бирининг ойнаси ва фақат одамзотта ойна ясам ва яратини маҳорати берилгандир».¹ «Ойна» журналига бағишланган ва унда босиб чиқарилган кўсонлик Маҳмудхўжа Ризоизодаанинг шеърларида инсонлар учун журналнинг аҳамияти куйидагича тавсифланади:

«Эй ойнаи жаҳоннамосен,
Раҳисаларга турфа раҳнамосен.
Хар илму фунундан айлабон баҳс
Кўнгуллара мабҳаси зибосен
Равшан ила кўзга тутса олам
Омиллара яъни тўтибсен,
Мирьоти Сикандар ул-лузумсен,
Арбоби камола муддаосен».²

«Ойна» ни нашр қилишда Бехбудий ўз устозлари тажрибасига суяниб, Маълуки, Гаспринский ҳам «Таржимон» газе-

тасини нашр қилишга қилар «Мирьоти жалил», яъни «Янги Ойна» номи остида варақалар чиқариб юрган эди, қори Абдурашид Иброҳимов эса 1902-1909 йиллари Озарбайжонда «Мирьат-Кўзгу» номи илхоний-диний мазмун касб этувчи қилин журнал чиқарган, 1910 йили шу ном билан бадий журнал чиқар эди. «Ойна»нинг тўрт тилда номланиши чет тилларини билиш ва эълолаш зарурлигини доимо таъкидлаб келган Бехбудийнинг тил бўйича қарашлари далилдир. У чет тилларини билиш, тилим олиш, фан ва маданият ривож ва бутун тараққиёт учун муҳимлигини қайта-қайта таъкидларди. Бинобарин, журналнинг дастлабки сонидёқ, «Икки эмас, тўрт тил лозим»³ номи мақоласи босилгани тасодиқий эмас.

Аҳамият жиҳатидан «Туркистон» мақоласи билан бир даражада турувчи «Ойна нелур?» («Ойна чист?») мақоласи тожик тилида эълон этилган. М.Бехбудий қатор маърифатчилик руҳидаги фундаментал мақолалари, А.Фитрат, Мирзозода, Ҳожи Муин асарлари, бошқа газета ва ойналарда чоп этилган мақола ва асарлар чет эл ва ўлканнинг турли бурчакларидан келган маълумотлар журналнинг ҳар бир сониде тожик тилида чоп этилиб турди. Бунга Бехбудийнинг «Жутрофия чист?»⁴, А.Фитратнинг «Ҳаёт ва гоши ҳаёт», «Манфаат» мақолаларини мисол келтириш мумкин.⁵ Мирзозодаанинг «Илм ва тараққиёт»⁶, Ҳожи Муиннинг «Жавоб ба масъалан мактаб»⁷, «Дар дунё чи қилар халқанд?»⁸ мақолалари чоп этилди.

Ҳиндистонда таълим олган туркистонлик талабаларнинг мактуби бу ерда жуда ўринли бўлиб, улар «Вақт» нашрининг муҳаррири Фотех Карим ва «Ойна» журналнинг муҳаррири Маҳмудхўжа Бехбудийга юборилган газета ва журналлар учун миннатдорчилик билдирди: «Туркий тилини ўқаштирмаган Бухоро ва унинг ён афроларидан келган талабалар ўз ватан-

¹ Бехбудий М. Ойна чист? «Ойна», 1913 № 1, 25-6. Асли тили тожикча. «Ойна... бар пай инсон назар афканда, худро мебинад ва аз чи гунагини ҳолат ва киёфас ва ваҷе, ки иборат аз сурои ва зарай ва санои ва саёсий аст, ва ҳосил шудан аз ташсиротни модди ва маънави аст, воқеи ҳар ва огоҳ мешавад. Ва пас ба инкож мекушад. Ойнаи одам одаме аст. Дўстон ойнаи инқиладарне. Ва инк аз ҳосил инсон оинасовет».

² «Ойна» 1913. №25. 405-6.

³ Ойна, 1913. № 1, 3-6.

⁴ Ойна, 1913. № 2, 20-6.

⁵ А.Фитрат мақолаларини журналда асосан 1913 й. 4, 6, 8 сонларида чикос.

⁶ Ойна, 1914. №17, 313-6.

⁷ Ойна, 1913. №7, 182-6.

⁸ Ойна, 1913. №4, 98-6.

ларидан форс тилидаги маълумотларга эҳтиёжлари катта».¹

Балки бир таҳриротчилар «Ойна» журнали бир йилдан сўнг талоникланган деб ҳисобланади. Бирок журналининг 49-сонидек таҳририят ўз ўқувчиларига молиявий қийинчиликлар туфайли ва обунавчилар сонининг қисқариши муносабати билан ўз фаолиятини тўхтатганини билдирган эди. Г.Андреев билан қилган суҳбатда Бехбудий буни тан олиб: «Ўтган йили 300 та обунавчи бўлган бўлса, иккювчи йил бошида эса обунавчиларнинг сони 200 гага тушиб қолди. Улардан 100 дан ортиғи Фарғонага тўғри келса, бизнинг Самарқанд вилоятига тақминан деярли 50 таси тўғри келади. Шундай қилиб, дастлабки даврларда мен зиён қўришимга тўғри келди»², - деган эди.

Журналга зарур бўлган ҳодимларнинг топилмаганлиги, маблағларни тежаш билан боғлиқ сабабларга қўра, журналини нашр қилиш тобора қийинлашган эди. «Амалда фақат менонинг ўзим журналда ишлаётман» - деб шикоятимиз гапирган эди Бехбудий.³ Бундан ташқари, балки ҳалдан зиёд толиққанлиги ва соғлиғига путур етганлиги сабабли ҳам у журнал чиқаришдан воз кечишга мажбур бўлгандир. Журналда Бехбудийнинг «нейру асаб ва меъда ҳасталиғи» билан оғригани қайд этилади. Табиийки, бу улкан ақлий меҳнат натиқасида асабий толиққанлигидан келиб чиққан бўлиши керак. У билан суҳбатлашган Г.Андреев ҳам унинг юз-қўларни, ҳаста интиҳорларига эътибор берган эди: Бехбудийни журнални ёпишга мажбур қилган сабаблардан яна бири цензуранинг ҳалдан зиёд эътирози ва муаллиф сўзлари билан айтганда, «ҳарбий цензор»нинг журнал ишларига доимий аралашуви эди. Журналнинг сўнгги сонларидан бирида Бехбудий таҳририятни берган эълонда журналининг кечикиб нашр этилиши цензура туфайли эканлигини тушутирган эди.⁴ Қисқасига муқаддат нашр этилган бўлса-да, «Ойна» кўп мақсалларига эришиб улгурди. Бехбудий илгор гоёларини жамият орасида ёйишга эришди. Агар у ўз фаолиятининг илк даврида яқка бўлган

бўлса, 1913 йилга келиб, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Фарғона, Тошкент ва Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларидаги жадид ўқитувчилари, ўқувчи-талабаларнинг ота-оналари, илгор кишилар, Туркия, Хиндистон, Россия, Араб мамлакатлари зиёлилари томонидан қўллаб-қувватланганига эришди, унга кўнгоблар, нашрлар билан ёрдам берилди. Бу 39 ёшли Бехбудий учун қучли манба бўлдики, катта сий-ҳаракатлар билан журналини чиқара олди. «Ойна» мушаррафчаларини ўрганар эканмиз, Г.Андреевнинг Бехбудий журналини юмористик характерда, енгил сатира руҳида чиқаришни ҳиқюдаги сўзларини қайта тахтил қилиб кўрдик. Лекин юмористик эмас, балки сатирик ва публицистик руҳда ёзилган қўллаб мақолалар ҳам муҳим муаммолар кўтарилганининг шохиди бўлди. Шу билан бирга, Г.Андреевнинг хотирлашича, Бехбудийнинг қуйидаги сўзлари кўп нарсани, хусусан, унинг тактикасини ойдинлаштирди: «Журналдаги қарашларнинг моҳияти ўз фаолиятини тўхтатган «Самарқанд» газетаси қарашларининг моҳияти билан деярли бир хил. Лекин ёрунликка чиққанининг ўзга бир йўлини ташладим. Фош этиш йўлидан, сатира ва юмор йўлига ўтдим. Зеро, енгил захархандали кулги билан кўп нарсани эришса бўлади».¹ Журналнинг машҳур ва маълум бўлганлигини бу ерга жўнатишдан хит ва телеграммалар ишботлаб турибди. Хатларда ҳаётнинг барча оғир-енгил, паст-баланд томонлари ҳиқюда сўз юритилар эди. Масалан, 1914 йил 14 апрелда чиққан «Ойна»нинг 51-сонда Қўқондаги россиялик мусулмонлар, Бухоро фуқаролари, Хиндистон университетда тахсил олаётган талабаларининг хатлари эълон этилган. Бу хол журналининг жуа кенг тарқалгани ва маълумлигини яна бир бор тасдиқлайди. Таҳририятга келиб тушган хатларда журнал нашрини яна давом эттириш зарурлиги изҳор этилган эди. Демак, у замондошларининг маънавий ҳаётида катта ўрин эгаллаб турар эди. Журнал мавзуси ранг-баранг: иктисодиёт, сиёсат, фан, маданият мақсалларига кенг ўрин берилган. Биринчи сонининг дастлабки мақоласи «Туркистон» деб аталиб, у Бехбудий қаламига мансуб эди. Ҳозирги замон тарихшунос ва тилишунослари учун муаллиф-

¹ Ойна, 1914, №51, 1225-6.

² Андреев Г. Самарқандский журнал «Ойна» и его редактор-издатель. Махмуд-хаджи Бегбудий // Туркестанские ведомости. 1915. 17 сентября.

³ Ўша ерда.

⁴ Ойна, 1914, №49, 1165-6.

¹ Андреев Г. Самарқандский журнал «Ойна» и его редактор-издатель. Махмуд-хаджи Бегбудий // Туркестанские ведомости. 1915. 17 сентября.

нинг Осиёи Вусто (Ўрта Осиё) ва Турон Замиинининг қадимги жутрофий чегаралари бўйича мулоҳаза ва тушунчалари кизиккиш уйғотиши турган гап. Мақолада Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий тузилмаси тавсифланиб, вилоятлар, уездлар номлари берилиб, 1902 йилги аҳоли рўйхати маълумотлари ҳам келтирилган. Журналда чоп этилган мақолалар мавзуси ва руҳи бўйича илмий-оммабоп «Жутрофия чист?», «Улутбек расадхонаси», «Ер», «Кўёш», «Тарих ва жутрофия» мақолалари ва адабий чиқишларга бўлинган. Адабий мақолаларда ўқувчини бошқа халқлар сўз санъати билан таништириш (бу кўпроқ татар матбуот нашрларида эълон этилган адабий материаллар эди) мақсади қўйилган эди. Журнал жамиятнинг маданий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган янги жараёнларни кенг ёритиб борди. Булар жумласига «Андожонда янги банк», «Самарқандда электр трамвай», «Буҳоро темир йўли» мақолалари кирди, очилган кинотеатрлар, янги кутубхона ва кинотеатрлар ҳақидаги хабарлар ҳам бор. Бехбудий қаламига мансуб мақолалар орасида ижтимоий фанлар бўйича илмий мақолалар алоҳида ўрин тутди.

Хорижий мамлакатлардан тахририятга келиб турган корреспондентиялар, хатлар, маълумот ва хабарлар Япониядан то Америкагача бўлган мамлакатлардан юборилар эди. Булардан ташқари, «Ойна» доимий равишда ўз ўқувчиларини Хиндистон, Хитой, Россия, Индонезия мусулмонлари ҳаётидан ҳам хабардор қилиб турар эди. «Ойна»да чоп этиладиган хабарлар ўртасида Бехбудийнинг сеvimли шоири - Умар Хайём рубоийлари берилиб турарди.

Жадидларнинг мўътабар устози Исмоил Гаспринскийга бағишланган мақолалар журналнинг энг гузал саҳифаларидан эди. Бехбудийнинг ўзи уни «Хазрат» деб атаб, унга нисбатан ҳурмат-эътибори ниҳоятда баланд эди.

«Ойна» журнали, умуман, Бехбудийнинг бутун умри ўз халқини уйғотиш ва тараққиётга хизмат қилиш мақсадларига бағишланган эди. Ҳар томонлама у ўз халқини маърифатга бошлади. Бехбудий учун маърифат ва тараққиётнинг қўл урмаган соҳаси қолмаган ҳисоб. Бу ҳақда «Ойна» мундарижаси, муаллифининг китоб ҳамда мақолалари гувоҳлик бериб турибди. Туркистон ҳаётида гайри ҳолат сифатида унинг «Китобат ул-атфол» номли асари пайдо бўлди, бу китоб ўзбек ва тожик

тилларида зарур ахлоқий таълим-тарбия асосларига бағишланган эди.¹ Китоб мазмунини ҳаётнинг эҳтиёжлари тақозоси билан ва асосан, жадидларнинг маҳаллий кадрларини бошқарув ишларига фаолроқ тортишга бўлган ҳаракатлари ва иш юритишнинг фаоллашуви тўғйли белгиланган эди. Шу билан бирга, бу китоб болаларни шахсий ва давлат ишларини юритишга ўргатар эди. Бу ерда муаллиф «Хайр ул-умури асосатух» - «Хар бир ишнинг ўрта миёнаси яхшидур», - деб кишиларни воқеа-ҳодисаларга ва одамларга баҳо беришда ҳолисликка, босиқликка, чуқур мулоҳаза юритишликка чақиради.² Яъни Бехбудий ўз ўқувчиларини хат ёзиш, мактуб битиш, имлога эътибор бериш, сўзларни беҳато қўлдан санъатини эгаллашга даъват этади ва нафақат лингвистик, балки маънавий билимлар ҳам беради. Бу ерда у яна тил масаласига қайтади. Иш юзасидан ёзиладиган хатлар хорижий исмлар, жойлар номларисиз бўлмаслиги ва бунда хатни тўғри, беҳато ва мазмуни қилиб ёзиш учун тилларни эгаллаш лозимлигини уқтиради. «Китобат ул-атфол» Бехбудийнинг маданий сибосқларида ҳам Ғарбий Европа ва ҳам Шарқий маданият асослари уйғунлашиб кетганлигининг ишорасидир. Бундай исми маданий асосларининг уйғунлиги унинг «Ҳифзи соғати оила» («Оила соғатини муҳофаза қилиш») мақоласида (биз ўқувчиларнинг диққатини Бехбудийнинг тиббиёт маърифати мавзусига ҳам тез-тез мурожаат этиб турганлигига қаратамиз) намоён бўлади. Инсон учун, энг аввало, зирур бўладиган билим бу «илми бадан ва ҳифзи соғатлур»³ деб ёзади у. Авваламбор, Қуръони карим ва ҳадисларга ҳамда Голландия ва Франция олимларининг статистик тадқиқотлари натижаларига суянган ҳолда Бехбудий эрта оила қуриш ва эрта никоҳга киришни зарари ва оила қурмасдан ҳам юришнинг, кўп хотинчиликнинг зарарлари ҳамда жинсий тарбия асослари ҳақида фикр юритади. Бундай мақолалар ўша вақтларда миллий журналистикамизда камдан-кам учур эди. Бу ҳақда фақат кенг дунёқарашга эга ва чуқур мулоҳаза юритадиган юқори маданият эгаси бўлган кишиларгина ёзиши мумкин эди. Умуман, Бехбудийнинг

¹ Бехбудий М. «Китобат ул-атфол» Самарқанд, 1914. Типография. Т.-но.

² «Б.А. Гаспрот», 30-6.

³ Қўрастелган асар. 5-6.

⁴ Бехбудий М. Ҳифзи соғати оила // Ойна, 1914. №48,50, 1148,1171-6.

карашлари, ўй-фикрлари кенг ва ранг-баранг бўлиб, кўплари ёш авлодга қаратилган эди. «Бизга ислоҳ керак» (Нажот) газетаси, 1917 йил, 7 ноябрь), «Хақ олинур берилмас» («Хуррият», 1917 йил, 13 июль), «Ёшларга мурожаат» («Ойна», 1914 йил, 2-сон), «Самарқандда миллий ишлар ҳақида» («Хуррият», 1917 йил, 23 июль), «Таҳсил ойи» («Самарқанд», 1913 йил, 3 сентябрь) ва бошқа мақолаларида унинг абадиётчи ва сиёсатчи қобилияти билан бирга ўзгучуви ва тарбиячи маҳорати ҳам намоён бўлади. Бу нарсалар Бехбудийнинг фарондиларида ўз аксини топган бўлиб, уларга чет тилларини ўргатиш билан бирга яхши таълим-тарбия ҳам берган эди. Билим олиш учун ҳеч нарса тўсиқ бўлмаслиги керак, деб ёзган эди Бехбудий. Ушба пайтларда одамлар тўй қилмади деб бор-будини сотар, ўзи, оиласи аъбор бўлиб, икисодий ночор аҳволга тушиб қолар эди. Бехбудий ҳақини эскириб, керак бўлмай қолган бозни бир урф-одатлардан воз кечишга чакирди ва одамларга боз-йўтинингизни, мол-мулкнингизни сотаётганиз бўлсангиз, бу пулларини ўғилларингизни Европада ўқитишга сарф қилингиз, деб айтган эди.¹ Бундан ташқари, у динга чуқур эътиқод қўйган киши бўлиб, С.Айний сўзига кўра, бу эътиқод инсон илмга хизмат қилиши керак, деб ҳисобларди. С.Айний ёзадики: «Хожа Баҳоуддин турбати итрофиди солинган масжидларини қўриб, у кўп қилди. Намоз учун бир ерда бир масжид ва бир сутка қифон қилар эди. Бошқа масжидлар ўрнига мактаб солиниб, бунда йиғилган факир йўқсинларнинг болаларини ўқитатар эди, шунга сафил қимсалар ўрнига ўз қуввни қўратурган бир тўда фаол одамлар етишар эди»² - деди.

Замондошларининг гувоҳлик беришича, Бехбудийнинг чоп этилмаган асарлари жуда кўп, жумладан нафотидан ярим йил олдин ёзиб тугатилган каттагина - 200 босма табоқ ҳажмдаги мерос ҳуқуқида онд асар, форс ва турк муаллифлари асарлари асосида тузилган астрономия бўйича дарслик, аёллар масаласига онд мақолалар бор эди.³

¹ Бехбудий М. Ёшларга мурожаат. // Ойна, 1914. №21, 30 март, 290-б.

² Айний С. Бехбудий ҳаётлари тўғрисида хотираларини // Зарафшон 1922 й. №32, 25 март.

³ М.Ф.Мамоуд-хожа Бехбудий. Материаллар к биогрaфии. // Наука и просвещение. 1922. №1, Август-сентябрь.

Ҳазрат Бехбудий серқирра қобилиятининг гуллаб яшнаган пайтда ҳилок бўлди. У элчигина 45 ёшга тўлган, катта ҳаётий тақрибга тўплаган навқирон инсон эди. Улимидан сал олдинроқ у сиёсатдан узоқлашди. Нима учун? Маълумки, охири йиллари у Халқ Маорифи Комиссариати Самарқанд бўлимида ишлар эди. Хўш, 1918 йилдан кейин унинг позиция ва қарашлари қандай эди? Бу ҳозирча номълумлигича қолмоқда. Бу йиллари у сукут сақлар, ўз куч-қайратини таълим тизимини ташкил этишга сарф қилиб, жамиятга кўпроқ фойда келтириш йўлида меҳнат қиларди. Унинг ҳаёт йўли дамларини бир ҳилда баҳолаш унчалик тўғри бўлмас. Маълумки, у болышевизмга нисбатан салбий муносабатда бўлиб, унинг маълуб бўлиб, тор-мор келтирилишини ич-ичдан истаган ва Туркистон мухториятининг йўқ қилиб ташлангандан каттиқ ташвишга тушган ва бу ҳақда оташин мақола битган эди.⁴ Лекин болышевизм ҳукумати унинг халқ орасидаги обрўсини юқори даражадалигини тушунар ҳолда уни «ўзиники» қилиб қўрсатмоқчи бўлди. 1922 йилдаёқ «Наука и просвещение» журнали Бехбудийни «Туркистон мухторияти» душмани сифатида қўрсатишга уринди. Мақола муаллифи асосан равишда Бехбудийни янги республика ҳукумати аъзоси бўлиб туриб болышевизм билан коалицияда ишлаган деб, «миллатчиларнинг» душмани сифатида қўрсатмоқчи эди.⁵ Аммо айнан Қўқон воқеалари уни сиёсатдан четлашга мажбур этди. 1919 йилда у набатдаги ҳаж сафарига отланмоқчи эди. 1919 йил февралда Тошкентга бориб келган, Самарқандда ўзгучуларини чакириб, Тошкентдаги таълим аҳволи ва янги мактаб дастури билан уларни таништирмоқчи бўлади. Лекин унинг ўзи мажлисга кела олмайдди. Тасолифан уни учратиб қолган С.Айнийнинг «Қачон бу мажлис бўлиб ўтди?» - деган саволига у: «Хозир бироз хастаман, кайфим ва фурсатим бўлса хабар бераман»⁶, - деб жавоб қайтарди. Бехбудий ўта мастулиятли инсон бўлган ва факат жиддий сабабларгина унинг

⁴ Бехбудий М. Туркистон мухторияти // Хуррият. 1917 й. №19, 12 декабрь.

⁵ М.Ф.Мамоуд-хожа Бехбудий // Наука и просвещение. 1922. №1 август-сентябрь.

⁶ С.Айний Бехбудий ҳаётлари тўғрисида хотираларини // Зарафшон. 1922. 32-б. 25 март.

режаларига ҳалал бериши мумкин эди, чунончи, агар у ростдан ҳам, бетоб бўлса, қандай қилиб ҳаққа бориши мумкин эди? С.Айниининг сўзларига қараганда, у улар учрашганларидан 2-3 кун кейин ҳаж сафарига отланган. 1919 йил 25 мартда у Бухоро амирлиги чегарасини босиб ўтган ва Шаҳрисабзга келган. Шу ерда уни амир одамлари ушлаб олиб, Қаршига жўнатишди ва бу ерда уни ўлдиришди. Маҳмудхўжа Бехбудий иқодинини талқин қилган олим Б.Қосимов 3.Валдийнинг «Бугунги турк эли ва яқин тарихи» китобида келтирилган далилларга асосланиб, ҳазрат Бехбудийда Туркистон мусулмонлари советидан Касбий орти вилоятида юрган инглизлар билан музокаралар олиб бориши тўғрисида олган топириги бўлган. Инглизлар билан у большевикларга қарши шартнома тузиш учун йўлга чиққан,¹ - деган фикр билдирилади. Туркиядлик талқинқотчи Иброҳим Еркин юқоридаги манбага асосланиб, 20 йил олдин Бехбудий «босмачилик» ҳаракатидан мадад олин мақсадида кетган эди, деб ҳулоса ясаган.² Унинг ўлимини большевиклар билан боғлаб кўрсатилган бирон-бир далил, фикс ёки ҳужжат йўқлиги учун ҳам, унинг ўлимига онд турли-туман гумонлар, шубҳали фикрлар манжул. «Самарқанд» газетасида ва кейинчалик «Ойна» журналида Бухоро амирлиги қитник танқид остига олинган эди. Газета ва журналда Тошкент, Қўжон, Фарғона бошқа катта ва кичик шаҳарларда ҳам рўй бераётган воқеа-ҳодисалар доимий тарзда ёритиб бориладилар. Бунда Бухоро амирлигидаги воқеалар алоҳида ўрин эгалладилар. «Лузуми мақсадлар Бухоро» («Самарқанд», 1913 йил, 26 июль, 26-сон), «Бухорода тўйлар» («Ойна», 1913 йил, 5-сон), «Бухорода муҳом карор» («Ойна», 1913 йил, 10-сон), «Бухоронинг Шерободидин мактуби» («Ойна», 1914 йил, 17-сон), «Бухоронинг истиқболи қоронғу» («Ойна», 1914 йил, 40-сон), «Бухородан қаро хабарлар» («Ойна», 1914 йил, 39-сон) мақолалари Бухорога бағишланган бўлиб, у ерда жуда мураккаб ва қийин иқтисодий, ижтимоий-

маънвий муаммолар, аҳолининг оғир аҳоли, таълим-тарбия ва маорифнинг инқирозли ҳолати ва албатта амир ва унинг ҳукмати тилга олинди, аёвсиз танқид қилинар эди. Бундан ташқари, Иброҳим Еркиннинг кўрсатишича, Бухорода муфтий унвонини олиш учун ҳазрат Бехбудий маълум бир мипри-фатчилик ишларини ҳам амалга оширган эди. Аҳмад Доғишнинг излоши бўлган М.Бехбудий унинг Бухорода маорифни ислох қилиш тоғрисида ривожлантирган ва ташвиқот этган эди. Бу билан у ўзининг атофиға фикрашларини йиғиб, улар билан 1910 йилда «Бухорон нашри маориф» тўпламини чоп этган. Унинг Бухоро амира ва ҳукмдорларини танқид этиши эътиборсиз қолмаган ва бу ерларда таъйик остида 1910 йили чиқиб кетинга мажбур бўлган. Юқорида айтганимиздек, Бухоронинг танқид этиш «Ойна» журналида ҳам давом этди. Бу ҳолатларнинг барчаси уни таъқиб қилиш ва амир аскарлари томонидан ҳибсга олинишига сабаб бўлган эди. Б.Қосимовнинг фикрича, амир Бехбудийни ўзининг шахсий ғаними деб билар эди. Бехбудий қимлар томонидан ўлдирилган - амир тарафдорларини ёки большевиклар томониданми?» - деган саволни бир ҳилда, бир ёқлама қўндаланг қўйиш нотўғри бўлар эди. Бу ерда Бехбудийнинг бутун ҳаётини ҳужур тадрок этиш, айниқса, ҳаётининг сўнги йиллари, Туркистон мухториятининг эълон этилишидан ўлимига қадар бўлган даврни ҳар томонлама ўрганиш керак. Ун йилдан ортиқ М.Бехбудий номи расмий тарзда халқ қадрами сифатида тилга олинди. Қарши шаҳри, Тошкент, Самарқанд қўчалари Бехбудий номи билан атаб келинди. Дўстлари унинг тўла асарларини чоп этишмоқчи бўлишди. Вафотидан сўнгги дастлабки йиллари у ҳақда анча мақола чиқди. Аммо, жамъчилик тоталитар тузум домига тушиб, абгор бўлгандан сўнг Бехбудийнинг номи камрок тилга олина бошлади ва аста-секин унутилга борди, унга буржуа миллатчилик ҳаракати йўлбошчиси тамғасини ёпиштиришди.

Бехбудий ҳазратлари ўз ишнинг фидойиси эди. У жон бера туриб, ўлим талвасасида ўз халқига миллияни васият қолдиришга муваффақ бўлди. Ўз дўстларига маориф, маданият, фанни ривожлантириш ва тараққиётга хизмат этишини васият қилди.

У Туркистон тарихига қучли ва прогрессив ҳаракатини жа-

¹ Қосимов Б. Бехбудийнинг қабри қарда? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994. 30 сентябрь. Шу мақолаф истиклол фидойилари. Маскисқотир Тошкент. 1994. 3-6.

² Ibrahim Yarkin. Mahmud Hoca Behbudi // Nur Turkistan isin izikbala gazete. 15 okat. 1975.

диқчилик деб номланувчи янги шабадани олиб кирган сиймо тимсолида галлаланади. Бу харақатнинг собит қидам издошлари Маҳмудхўжа Бехбудий бошчилигида тарихни чуқур ўрганиш, замонни ва воқеаликни ҳар томонлама ҳис қилиш орқали она-Ватан келажаги истиқболини, унинг тараққиёти йўлини режалаштириб бера оладилар. Туркистонда ҳуқом сўрган қолоқлик ва эскиликни ўз вақтида қўра билган маъна юксак ақл-заковат ва ватанпарварлик эди. Бугунги кунда Бехбудий ва сафдошларининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг бой мероси ва тақдирлари Олмония, Туркия, АКШ, Япония, Марказий Осиё давлатлари ва албатта, Ватанимиз олимларининг илмий назари марказига тулгандир.

Бехбудий ўз васиятида: «Туркистон болаларининг илмсиз қўйманлар. Сизларга васият қиламан! Ҳамагга оқдлик йўлини қўрсатинглар!»- деган эди. Бугунги тадқиқотчилар авлоди ҳаққониз маърифати йўлида Бехбудий белгиланган чўқилар сари интилиб, она-Ватан соадатиға тинмай хизмат қилиши, истиқлол туғайли ана шу боис маърифатпарвар бобомиз орзуларининг рўёбга чиқиши учун йўл очилганидан далолат беради.

Тарих ва жуғрофия

Қуръони қаримда тарихий хабарлар ва ўтган қиссалар тўғрисида кўп ояти шариф бордур. Бир хил оятларда Оллоҳ Таоло тарафидан анбиёи аъзоми алайҳиссаломнинг қисса ва ахволи тарихия ва воқеан қавмиёлари баён бўлиб, яна машҳур қавм ва халқ ва ҳатто машҳур одамларнинг қисса ва ахволи тарихия ва воқеалари баён бўлгандур. Чунончи: ҳазрати Олам, Нўҳ, Юнус, Довуд, Иброҳим, Юсуф, Мусо, Исо, Шуайб алайҳиссалом ва бошқа пайгамбарларнинг воқеотлари ва умматларининг ҳолисалари баён бўлгандур. Инчунин Зулқарнайн, Лукмон, Фиръавидек махсус кишиларни ва ёнқи асқоби қадф ва қавми тааббуъ ва бошқалардан, фирқа ва ё қабилаларнинг ахволи Қуръони қаримда батафсил ва ёнқи ижмолан баён бўлгандур. Тангри табораку таолло ҳазратлари тарафидан бўлган бу қиссалар илми тарихни асл ва асосини ташкил берадур ва биз, мусулмонларни, ўтган тарих ва қиссаларни ўқуб ибратланмоғимизга буюрадур. Шоир деюр:

Ояти Қуръон ки хубу диққашаст,
Шаш ҳазору шашсаду шасту шаш аст.
Як ҳазораи ваъдаи дигар ваъид,
Як ҳазор аз амру як наҳин шадид.
Як ҳазор аз вай мисолу эътибор.
Як ҳазоре қиссаҳои бешумор.
Понсад аз баҳси ҳалол асту ҳаром,
Сад аз он тасбеҳу бирди субуҳи шом.
Шасту шаш з'он ғашт мансух аз-Китоб
Ҳатм шуд Валлоҳу аълам биссаваб.

(Мазмун:

Қуръон оятлари яхши ва қўнгул истагучи бўлиб, олти минг олти юз олтинчи олти оятдур. Шул оятлардан бир минги ваъда, бир минги ваъид, бир минги амр ва фармонш, бир минги наҳий ва сахланмоқ. Бир минги мисол ва ибрат ва зарбулмасал, бир минги ҳадиси қиссаларни баён этар. Беш юзи ҳаром ва ҳалолни баён этар. Бир юзи

вирду зикрга тааллуқлидур. Олтинш олтиси китоб ва динларни мансук этувчи оятлардан иборатдур. Утган уламолар раҳматудлох муфассир, муҳаддис, мухталиф ва мусанниф бўлатурган кишига бир неча шартлар қўюбдурларки оларнинг бири илми тарихни билмоқдур. Асбоби нузули Қуръон ваҳий ва садурни суннатни билмоқ, тарих билмоққа мавқуфдур. Утган уламо (салафи солиҳин)имизни асарларига қаралса, илми тарих ўқумокни лозим ва фарзлиги билинур. Илми тарихни баён этувчи бир муаррих деюрки Қуръони каримнинг қарийб тўртдан бири тарих ва ахборни махтайдур. Ва дунёга ишонмоқ учун ва рошадлик бўлмоқ учун, қомил ва одил бўлмоқ учун тарих ўқумок ва билмоқ керак. Подшоҳ, вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумок керак. Дини исломнинг асли ҳазрат пайгамбар ва саҳобаларнинг исломият ва уммат учун чеккан жафо ва меҳнатларини билмоқ учун тарих ўқумок керак. Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ва ё нопадида бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумок керак. Утган пайгамбарлар, дин ва умматларнинг аҳолидан, мансук ва мунқариз бўлганининг сабабидан бохабар бўлмоқ учун тарих ўқумок керак. Мусулмонлик қандай қўпайди ва тараққий этди ва аъён на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Ва илоҳи худдорий ва тараққий надуру? Шунинг билмоқ, тарих ўқумок керак. Хулоса, дину дунёдан бохабар бўлмоқни хоҳлайдурган ҳар ким учун тарих ўқумок керак, чунки ҳар нимаса ва ишнинг асли ва насли тарихдан билинур.

Қатта киши бўлмоқ учун тарих билмоқ лозимдур. Усули жаҳид исми мақтабларда «Тарихи ислом», «Тарихи анбиё» исмида рисоалар таълим берилур ки болаларни дини мубини Ислом ва анбиёи аъзамнинг яхши билишларига боис бўлур. Аммо маъ-ал-таассуф баъзи ўйламай сўйлагувчилар тарих ва жуғрофия ўқумокни билдат ва гуноҳ деб бечора авомни оздурдурлар. Бизни Туркистонда баъзи энг мухтарам муборак кишилар тарихдан билл-қулл беҳабардурлар. Ҳатто беҳабарликларидан хабарсиздурлар ки бу беҳабарликларидан баъзан уятга қилиб ҳатто иш шармандачиликка етар. Хануз ёдимдалур. Аҳли мажлис ва

сўрагувчи мухтарам киши хёлдур. Олти-етти сана муқаддам Самарқандда бир хатми Қуръон мажлисинда эдик, энг машҳур ва олим бир эшоннинг муридларидан ва ўз фикр-еча (олим?) бир киши 200 хоналик қатта бир маҳалланинг имоми мажлисида роқими хуруфдан қўрунғиз на сўрайдур! Эшон... тафсирлар замони пайгамбарда бор эдими? - Ушбу савол қатта бир имом ва ҳам ўз даъвосинга бир «мулло»дан ва қатта бир мурийдан руҳсат олган бир орифдан содир бўлгани учун ул жанобни бу қадар беҳабарлиги мени асабларимга таъсир этиб эди. Ва онинг бу қадар бесамарлиги ҳайратларга қолдирурган эди. Мана бул тарих ўқумаслиқни гуноҳидур. «Тафсирлар замони Ҳазрати пайгамбардан бир неча юз сана сўнтра ёзилди. Қуръони карим аввалдан бор эди. Ва бу кунда ҳам Қуръони каримни тафсир қилатурганлар бордур. Ва янги тафсирларда чиқиб турубдур. Тафсирлар замонча тафсир топилур. Аммо Қуръони карим ҳеч тафсир ва табибли тополмас...» дейилиб эди.

Бокияси бор.

Маҳмудхўжа

//«Ойна», 27-сон, 26 апрель, 1914 йил.//

Аввалги мақолада тарих ўқумок лузумидан баён қилиниб эди. Энди жуғрофия илми, яъни Осмон ва Ер юзиндаги ва ичиндаги илмлардан ўқумок кераклигини қисқалик ила баён этармиз. Албатта, мухтарам «Ойна» хонандалари дерлар ки ер юзи ва ё ичинда магар илм бордур? Дармизки, Осмон, Ер ва аларни ичи илм ва ҳикмат ила тўладур ва ҳам ондаги илм ва ҳикматларни ўқумок, ўйламоқ ва билмоқ керак. Лекин Қуръони карим ила собитдур. Уламо дерларки «Аввалам танзуру фи малакутис-самавати ва-л-арзи ва ламъасиру фил-арзи. Ва мин оёту халқис-самавати ва-л-арзи ва ихтилафил лайли ваннаҳари инна залика ла-оётул оламин» оятлари ва бошқа кўп оятлардан билинур, ки Ер ва Осмонда кўп илм ва ҳикматлар бордур ки Оллоҳ Таоло аввал илм ва ҳикматларни

билмокта бизни буюрадур. Ва ҳам аввал илму хикматларни олимлар билур дер ва билиб ибрат олингиз ва фойдаланингиз дер. Яна илми ашён билмокта Куръони карим бизни ташвиқ қиладур. Чунончи «Аввалан янзуруна илал - ибили кайфа ҳудикат ва илал-саман кайфа руфиат ва илал жибили кайфа нусибат ва илал арзи кайфа сунихат ва анзалнаҳалид фи хи баъсун шадидун ва манасфеу-линноси ҳудикалакум мафил арзи жамиа» оятлари мунинг далилдур. Миср ал-Қоҳира уламо баноминдан Шайх Тунтавий ал-Жаҳарий жаноблари «Ат тадж ал-марсаъ ба жаваҳир ал-Қуръон» китобида дер ки: Қуръони каримда ҳар навъ илмларини шарҳ ва анга тарғиб этиб кизикландургучи оятлар 764 қалар бўлиб, ибодатта буюратурган оятлардан Йигирма тўрт дафъа зиёдадур. Хазрати пайғамбаримиз ҳам буюрганлар ки «хикмат мусулмон кишини йўқолган молидур ки кўрган еридан олур». Албатта илми жуғрофия ва илми ҳайъат илми хикматдандур.

Илми хикмат ўқумокни жалидчилар чикаргани йўқ. Балки минг саналардан бери олами исломнинг мадрасаларинда ўқилмокда ва илми хикмат аталатурган қудлийайи улумга дохил илмларга мусулмон уламолари кўп китоблар тасниф этгандурлар. Чунончи буқунги мадрасаларда «Хикматул-айн» китоби ўқилур. Ва ул китоб 675 саҳинда вафот топган Наҳмиддин Қазвиний жаноблари тарафидан ёзилиб Шамсиддин бин Муборакшо Бухорий ва Масъуд Шерозий ва алломан Саид-Шариф Мирзожон деган уламолар тарафидан шарҳва хошиялар боғлангандур. Ондан бери 670 сана қалар бир мударат ўтиб илми хикмат тараққий топди. Ҳозир эски ила янги хикмат орасинда еру осмонча фарқ бордур. Чунки беш-олти аср ўтди. Маъжур эски «Хикматул-айн» китобини иккинчи жилдинда мана шу илмлардан баён бўлгандур. Жисмларни ҳукми ва шакли, макон, жиҳат, ҳаракат ҳақинда, замон, майл, фалаки маҳдуд, осмондаги нимасалар ва аларни ҳаракат қилдиргучи катта Осмон ва бошқа осмонлар, хандасий хатлар, Оғтоб ва Ой осмони, Ой ва Кун тутулиши, аларни катта ва кичик кўруниши, юлдузларни осмони, осмондаги нимасаларни тартиби, ерни юмалоқлиги ва туруши ва

жойи, аносир, яъни ҳаво, сув, ўт ва бошқалари, еру осмондаги асарлар, ёруҳ ва шўъалар, иссиқ, совуқ, тоғ ва маъданлар, ҳар навъ ўт ва ҳайвонлар ва бошқалар...

Мана юқоридан бери ёзилиб келган далиллардан маълум бўлур ки жуғрофия, яъни еру қўққа етишли илмларни ўқумок шаръан лозим экан ва илгари замондаги мусулмонлар бу илмларга китоблар ёзиб эканларки буқунгача мадрасаларда бу илмларни бошлаб ўқитар эканлар. Аммо илм ва асбобни йўқлигидан илми хикматни таълим берилмай илгур-айрим қилиб бошлаб қўядурган даражада келибдур. Мадрасаларда ўқилмасала назарий, яъни устидангина асбоб ва тажрибасини ўқилар ки аввал ўқишни нафъи йўқдир.

Дарвоқеъ, тажриба ва асбобсиз илми хикмат ўқумок, ўт ва қазонсиз палав пишираман деган кабилур.

Энди мухтарам хонандаларимиз илми хикмат ўқумокни бидъат ва гўноҳ эмаслигини, албатта, балки билгандурлар ва ҳам билсунлар ки илми тарих ва жуғрофия, илми иншоъ, илми ҳайъат, ҳулоса ақлли илмларни ўқумок дуруст йўқ дедурганлар албатта нотўғри этадурлар. Чунки бу илмларни кераклиги юқорига ёзилган оят ва ҳалис ва воқеий далиллар ила оғтобдек зоҳирдур. Ақлли илмларни ўқилмоғи дуруст йўқ деганларни сўзи Оғтоб йўқ деган сўздек хикматсиздур. Жуғрофия, таърифи арз, ерни билдиргучи илм демакдир.

Жуғрофия илми бир неча наъзга бўлиниб риёзий, табиъий, маъданний, наботий, тарихий, сиёсий, умроний, табақотул-арз ва ал-соҳира қисмларга бўлинуур. Илми ҳайъат ҳам жуғрофия ила биргадур. Аносир, ҳаво-сув ажзон асирия, кимий ва аъломи жўййани билмок учун жуғрофия билишга эҳтиёждур. Тарихни аҳши билмок учун яна жуғрофия керакдур. Тарих бир воқеани баён этар, жуғрофия бўлса ўшал воқеанинг бўлган ерини ва бўлгандан вужудга келган таъсирини баён этар. Яъни тарих ила жуғрофия зарф ила маърузф кабилур.

Юқорида оти ёд қилинган илмларнинг барчаси «Илми хикматга» дохилдур. Хикмат шундай шариф бир нима-садур ки маъжуд илмларнинг ҳаммасини муштамил бўлиб

хайру шарафлик бир илмдур.

«Ва мин йўлга ал-хикмата факкад ўтига хайран касиран»
бунинг далилидур.

Биз энди келар вақтда «Ойна» хонандаларига юқори-
даги илмлардан оз-оз баён қилмоқчи ходимона ва оқизона
ваъда қиламиз.

Махмудхўжа

// «Ойна», 28-сон, 3 май, 1914 йил//.

Изоҳли дугат

- | | |
|-----------------|--|
| Ажз | - нотаваонлик, ожизлик |
| ажсон асирия | - эфир катламлари |
| альюн | - хозир, хозирги даврда |
| амсолий | - ўқшаиш, мисол сифатида келтирилган |
| анбиён аъзам | - буюк пайгамбарлар |
| аносир | - унсурлар |
| арз | - ер, тупроқ, замин |
| асар | - нишона, аломат |
| асарлар | - турли тил-сирлар, ҳодисалар |
| асбоби нузул | - Оллоҳ оятларининг ваҳий бўлиш ҳолати ва сабаблари |
| асбоби суннат | - Расулulloҳ ҳадисларининг содир бўлиш ҳолати ва сабаблари |
| асир | - эфир |
| асхоби қаҳф | - гор соҳиблари - Дакнонус даврида бир неча ўсмир ўз динини сақлаш учун қочиб горга яширинишган, уларга эргашган бир ит ҳам бўлган. Оллоҳнинг қудрати билан улар бир неча аср уйкута чўмиб, кейинги даврларда уйғонишган. Қуръон ва бошқа диний китобларда бу ҳодисанинг тафсилоти бор |
| ахволи тарихия | - тарихий ҳодиса ва воқеалар |
| альойиъи жўйиъа | - оқар сузлар белгилари |
| батафсил | - муфасссал, ҳар бир қисм ва ҳар бир фаслни баён этиш |
| бесамар | - илмдан бебаҳра |
| билл-кулл | - мутлақо |
| биссабов | - худо ҳаққи |
| бонийлар | - бинокорлар, меъморлар |
| ваъзи хирож | - ҳолат; андоза замин ва маҳсули замин |
| валлоху аълам | - худо билади |
| ваъдаву-ваъид | - Қуръон оятлари орқали охиратда ҳар бир кишининг қилган сабову гуноҳларига яраша жаннат роҳатидан ёки дўзах азоби-дан хабар берилиши |

ваъид - жазо ваъдаси
 ваҳий - худо юборган паём, илҳом
 вирд - бирор дуони қайта-қайта такрорлаш
 дини мубин - ҳақиқий дин
 дор ул-қазо - қозихона
 жисмларни ҳукми - алоҳида ҳар бир нарсанинг моҳияти, таърифи
 жихат - сабаб, мақсад
 зарбулмасал - ибратли ҳикматли сўзлар, ҳикоятлар
 зарф - идиш
 зарф ила мазруф - идиш ва унинг ичидаги, (масалан кўза ва май) ҳодиса ва унинг маъноси
 зикр - эсламок; вирд
 зоҳир - очик-ошкор, кўриниб турган нарса
 изжолан - қисқача, мухтасар баён этиш
 илми хайъат - осмоншунослик, юлдузшунослик, астрономия, космография
 илми ҳикмат - фалсафа (кенг маънода)
 илми ашъ - нарсалар ҳақидаги илм
 ихтилоф - фарқли, ҳар хил; борди-келди
 куллайи улум - ҳимма илмлар
 лоҳутий - илоҳий
 ма-ал-таассуф - афсуслар бўлсинким
 мавкуф - алоқадор
 мажҳул - номзълум
 майл - моиллик
 макон - ўрин, жой
 мансук - бекор қилинган, истъмоладан қолдирилган, рад этилган
 мансук аз китоб - ёзувлардан бекор этилган, эътибордан четда қолган
 машруб - сув, шароб, ичимлик
 маъдан - кон, ер ичидаги қимматбаҳо тошлар, жавохирлар ва бошқа бойликлар
 маъданий - минералларга оид
 маҳдуд - ҳудуди муайян, чекланган
 мисолу эътибор - ибратли ва ишонарли маълумотлар
 мозий - ўтган, олдинги, ўтмиш

кашф этиш қудратига эга аллома
 мункариз - никирозга учраган
 мункариз бўлган - йўқ бўлиб кетган
 мурид - шогирд
 муришд - пир, шайх, маънавий устоз
 мусанниф - китоб тузувчи, китобга тартиб берувчи;
 муфассир - Қуръонни тафсир этувчи, оят ва ҳадисларини тушуштириб шарҳ этувчи мутахассис
 муҳаддис - ҳадисшунос, илми ҳадис билимдони
 муштамил - ўз ичига қамраб олувчи
 наботий - ботаника; ўсимликларга оид
 наҳий шадид - қатъий манъ этиш, жиддий таққиллаш
 нопадид - кўринмайдиган, кўринмас, маҳфий;
 носих ва мансук - бекор қилувчи ва бекор қилинган нарса
 ориф - огоҳ, доно, воқиф; сўфий
 риёзий - математикага оид
 роя - хоҳиш, истак
 роятлик бўлмок - мустақил фикрга эга бўлмок
 роқими ҳуруф - ушбу сўзларни ёзувчи
 садур суннат - расму қоида, урфу одатларнинг содир бўлгани, бошланиши
 сафил - паст
 сирф - ҳолис, соф; тамом
 табакотул арз - замин қатламлари
 табдил - ўзгартириш, алмаштириш
 табий - табиатга оид
 табъ - табиат, истъод; 4 унсурдан бири: олов, ҳаво, тупроқ, сув; 4 тиббий унсур
 тааббуъ - ибодат
 тадрис - таълим, дарс бериш
 таназзул - тубанлашиш
 тасбех - ҳудони зикр этиш, «субҳоналло-субҳоналло» дейиш
 тафсир - Қуръонни қарим оятларига ёзилган шарҳ ва тақлилар
 таърифи арз - ер ҳақида билим берувчи фан

умроғий	- ободонлик, тамаддунга, маданиятга оид
фирка	- гуруҳ
фотихлар	- голиблар
худдорий	- ўз-ўзини тўғри илора этмок, нотўғри қадамлардан сақланмок
хандасий хатлар	- геометрик чизиклар
хошия	- китоб саҳифаларининг хошиясига ёзилган мулоҳазалар, изоҳлар, ва шарҳлар
кавм	- бир маҷитда бир имом билан намоз ўқийдиган маҳалла ё кишлоқ аҳолиси; тоифа, қабила, халқ
кавми тааббуъ	- ибодат қилувчи тоифа.

Мундарижа

Маҳмудхўжа Бехбудий	3
Маҳмудхўжа Бехбудий. Тарих ва ҷуғрофия	43
Изоҳли лугат	49

Дилором Алимова, Дилбар Рашидова

Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури

Тошкент- 1999 йил

Мухаррир	Т. Соатова
Безакловчи расом	Р. Султонов
Техник муҳаррир	И. Рознқова
Мусаххон	Т. Соатова
Компьютерчи	Г. Абдуллаева, Д. Файзуллаева

Тарихига берилди 5.07.99 йил. Боснига рухсат этилди 2.08.99 йил. Бечоми 84/108 1/32. Офсет босма. Шартли босма табиғи 3. Нашриёт ҳисоб табиғи 3. Алали 1000. Бууртма №4 . Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг босмаҳонаси, 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоххўчаси, 45-уй.